Книжная палата

Тошкент оқшоми

Иҗтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 187 (8. 385) ◆ 1993 йил ◆ 20 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

БУХОРО ВА САМАРҚАНД ЗИЁРАТИ

Р. Жуманиёзов тасвири.

Мамлакатимизда расмий сафарда бўлган Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний 19 октябрь куни тонгда Тошкентдан Бухорога жўнаб кетди. Олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳ бўлди.

Ислом Каримов ва Акбар Ҳошимий Рафсанжонийни Тошкент тайёрагоҳида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

* * *

Ўзбекистон Президентининг самолёти байрамона безатилган Бухоро тайёрагоҳига келиб қўнди. Бу ерда юксак мартабали меҳмонлар шарафига Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Жумҳуриятининг давлат байроқлари кўтарилди.

Меҳмонларни Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров, Бухоро шаҳри ҳокими У. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Миллий либослардаги навқирон ёшлар икки мамлакат раҳбарларини нон ва шарқона ширинликлар билан кутиб олиб, уларга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Шундан сўнг автомашиналар карвони ислом оламининг буюк алломаси, тасаввуф таълимотининг пешволаридан бири — ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳоки қўйилган Қасри Орифон қишлоғига йўл олди. Табаррук бобокалонимиз зиёратгоҳига кираверишда анъанага кўра қурбонлик қилинди.

Таваллудининг 675 йиллиги яқинда халқаро миқёсда нишонланган Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуи Эрон Ислом Жумҳурияти Олий раҳбарида катта таассурот уйғотди.

— Ўзбекистонда азалий қадриятлар эъзозланаётганидан мамнунман, — деди Президент Акбар Ҳошимий Рафсанжоний. — Баҳоуддин ҳазратлари зиёратгоҳини кўриб бениҳоя мутаассир бўлдим.

Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров меҳмонларга Баҳоуддин ҳазратлари мақбараси қисқа муддатда таъмирлангани, юбилейда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюргани, эндиликда ушбу зиёратгоҳ мукаддас қадамжолардан бири бўлиб қолгани ҳақида сўзлаб берди.

Қадимий Бухородаги Лабиховуз мажмуи, Масжиди калон, Сомонийлар мақбараси, Улуғбек мадрасаси, Мир араб мадрасаси, Минораи калон обидаларини кўздан кечириш чоғида меҳмонлар вилоятдаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, шаҳарнинг чет эллардаги кўплаб мадиналар билан биродарлашгани, айни пайтда афсонавий масканнинг 2500 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик бораётганидан ҳам воқиф бўлдилар.

Бухоро вилояти ҳокимлиги Эрон раҳбари шарафига зиёфат берди.

* * *

Тушдан кейин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги Эрон Ислом Жумҳурияти ҳукумат делегацияси Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди. Тайёрагоҳда муҳтарам меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов ва Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров кутиб олди.

Делегация аъзолари Челак туманидаги имом Исмоил ал-Бухорий масжидига бордилар. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ҳадис илмининг билимдони ҳаёти ва фаолияти билан қизиқди, дин аҳллари билан суҳбатлашди. Бу ердан ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди. Шундан сўнг эронлик меҳмонлар буюк олим Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишдилар. Шунингдек, улар Регистон обидалар мажмуаси, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилдилар. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва Ислом Каримов мустаҳкамлиги ҳамда кўркамлиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона бўлган Самарқанд темирйўл вокзалини бориб кўрдилар. Эрон Президенти вокзал биносини лиқ-қат билан кўздан кечирди ва бунёдкорларга тасанно айтди. Шу куни меҳмонлар Самарқандаги эронийлар миллий-маданий марказига ҳам ташриф буюрдилар. Кечқурун вилоят ҳокими улар шарафига зиёфат берди.

Меҳмонлар шу куни Тошкентга қайтиб келдилар.

(ЎзА).

Кун тартибида — ҳаётий масалалар

БЕКТЕМИР туман ҳокими қошидаги маслаҳат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Бектемир туманида 1993—94 йил кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» ҳокимнинг биринчи ўринбосари Серикбой Усенов маълумот берди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — «Туман нафақа жамғармасининг иши тўғрисида» жамғарма бош мутахассиси Роза Архичева ахборот берди. Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг корхона ва ташкилотларда бажарилиши юзасидан ҳоким ўринбосари Хайриниса Мирзажонова гапирди.

Мажлисда кўрилган барча масалалар кенгаш аъзолари томонидан чуқур таҳлил қилинди. Мавжуд камчиликлар рўй-рост очиб ташланди, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ фикрлар билдирилди.

Мажлис сўнгида кун тартибида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Қашқадарё вилояти фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Бавария молия вазирлиги ҳузуридаги Германия техник ҳамкорлиги жамиятининг бир гуруҳ вакиллари Самарқандда барпо этилажак минтақавий молиявий марказ лойиҳаси билан танишдилар, уни қуриш, фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар.

● Андижон машинасозлик заводида ишлаб чиқарилаётган дизелли мотор жаҳон бозорида харидоргир бўлиб қолди. Сурия Республикасининг ўзи корхонанинг ана шундай 22 мингта маҳсулотини харид қилди. Заводда ишлаб чиқарилаётган мотор ва юклагичлар, шунингдек, Таиланд, Покистон, Куба, Мўғулистон, Чехия, Словакия, Афғонистон ва Бирлашган Араб Амирликларига ҳам экспорт қилинмоқда.

● Тошкент Бош универсал магазинида «Ўзбексавдо» уюшмаси билан Эрондаги «Мустазафон» жамғармаси савдо-сотиқ кўргазмасини очдилар.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия Президенти Борис Ельцин 3-4 октябрь кунлари Москвадаги воқеаларда айбдор ҳисобланган қатор партия ва ҳаракатларни шу йил декабрь ойида бўладиган парламент сайловларида иштирок этишларини ман этувчи фармон чиқарди.

● 3-4 октябрь кунлари қуролли давлат тўнтаришига уринишни бостириш учун Москвага киритилган Россия қўшинларининг бўлинмалари кеча шаҳардан олиб чиқилиб, доимий қароргоҳларига жойлаштирилдилар. Россия пойтахтида 5 октябрдан бери Кантемир, Таман дивизиялари, шунингдек Тула ҳаво-десант дивизиясининг бўлинмалари турган эди.

● Москва Тиббиёт бош бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси Игорь Надеждиннинг «Интерфакс»га маълум қилишича, пойтахт даволаш муассасаларида 3-4 октябрь кунлари Москвада рўй берган воқеаларда жароҳатланган 120 киши муолажа оляпти. Тиббиёт бошқармаси маълумотларига кўра ана шу кунлардаги воқеаларда 139 киши ҳалок бўлган. 10 нафар ҳалок бўлган кишининг шахси аниқланмаган.

● Бошқирдистон Олий Кенгашининг раиси Муртаз Раҳимов ва Бош вазир Анатолий Копсов Россия маъмурияти ва Президентига республикада Россия президенти вакили тайинланишга қатъий норозиликларини билдирдилар. Удмурдистон Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши ҳам ана шундай қарор қабул қилди.

● Бугун Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг Қирғизистонга расмий ташрифи бошланади. У 22 октябргача давом этади.

● Молдова пойтахти Кишинёвда Ҳамдўстлик мамлакатларининг илмий- техникавий соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланган кенгаши иш бошлади. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

● Грузия парламентининг 220 нафар депутатидан 117 таси мамлакатнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига киришини ёқлаб овоз бердилар.

● Арманистон ва Молдова Президентлари Левон Тер-Петросян ва Мирче Снегур Москвада Россия раҳбарияти билан икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан музокаралар ўтказдилар.

ХОРИЖДА

● Покистон ва умуман бутун ислом дунёсида Бош вазир бўлган биринчи аёл — 41 ёшли Беназир Бхутто яна Покистон ҳукумати раҳбари бўлди.

● Эстонияда маҳаллий ҳокимият идораларига бўлиб ўтган сайловларда ҳозиргача мамлакатда ҳукмрон бўлиб келган «Исамаа» («Ватан») партияси қақшатқич мағлубиятга учради.

● Беларусь Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевичнинг Болгарияга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташриф давомида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди.

● Гаитига Америка ва Канада денгиз пиёдачиларидан иборат десантни туширишга бўлган уриниш муваффақиятсиз бўлди. Куролланган оммаонинг АҚШ дипломатлари автомобилларига ҳужум қилиши ва денгиз соҳили ўраб олиши натижасида АҚШ маъмурияти бу қўшинларни ўз ҳарбий денгиз базасига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Ҳозир БМТнинг Гаитига нисбатан иқтисодий жазо чораларини таъминлаш учун бу мамлакат соҳили яқинида олтита Америка ва учта Канада ҳарбий кемаси қўриқчилик қиляпти.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар, қадрдонлар!

Сиз эришган улкан муваффақият — Ватанимиз хазинасига 310 минг тоннадан ортиқ пахта тошириб, йиллик маррага мамлакатда биринчи бўлиб етганингиз мени беҳад хушнуд этди.

Хоразм воҳасининг об-ҳаво шароити мураккаб эканини яхши биламан. Бу ерда деҳқон тўккан ҳар қатра тер бебаҳо марваридга баробардир. Хоразмлик пахтакорларнинг, теримда қатнашган ҳар бир кексаю ёшнинг бу йилги ибратли шаҳду шижоати таҳсинга сазовордир. Бунинг учун барчангизга самимий миннатдорлигимни билдираман.

Хоразм пахтакорлари қўлга киритган ютуқ бугунги шароитда — юртимиз истиқлолга эришиб, ўз тақдирини ўзи белгилаб, барчамиз Ўзбекистон давлатининг сиёсий ва иқтисодий қудратини оширишга бел боғлаган бир пайтда ғоят буюк аҳамият касб этади.

Қадимий Хоразм замини эзгу анъаналарга бой. Бу заминда ишнинг қўзини биладиган, эл-юрт фаровонлигини ўйлаб яшайдиган олижаноб инсонлар жуда кўп. Вилоят аҳлининг бугунги меҳнат ғалабаси шу ҳақиқатни яна бир бор яққол исботлаб турибди.

Ишончим комилки, республикамизнинг барча меҳнаткашлари зўр матонат билан ишлаб, кузги йиғим-терим ишларини қиш-қировли кунларга қолдирмай, тезкор суръатларда якунлайдилар.

Муҳтарам дўстларим! Хирмонларингиз ниятингиз каби юксак бўлаверсин. Сизларга саломатлик, битмас-туганмас бахт-саодат, ишларингизда барака тилайман. Хонадонларингиз доимо тинч, фаровон бўлсин. Ёруғ истиқбол ҳақидаги жами орзуларимизга яратганнинг ўзи қушойиш берсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Радиоҳаваскорларнинг халқаро мулоқоти

16 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 00.да сайёрамизнинг энг олис жойларидаги кўп радиостанциялар «УТВ» сигналини қабул қилди. Айни шу куни ва шу соатда Тошкент телеминораси аппаратлар залидан бирида Ўзбекистон радиоҳаваскорларининг 48 соатли вахтаси бошланди. «Жаҳон ёшлари — тинчлик тарафдори» шиори остида ўтаётган бу халқаро мулоқот ташаббускорлари — баланд минералар ва «Йота» радиоспорти жаҳон федерациялари, шунингдек, француз скаудлари ташкилотидир.

Тошкент телеминораси жаҳондаги энг баланд минералар орасида тўртинчи ўринда ва Осиё минтақасида биринчи ўринда туради. Баланд минералар жаҳон федерацияси ҳар йили октябрь ойида мавжуд барча алоқа воситалари ёрдамида жаҳон ёшлари ўртасида мулоқот ўтказади. Ўтказилаётган тадбирнинг мазмуни унда иштирок этаётган Нью-Йорк ва Торонто, Сидней ва Тошкент телеминоралари учун бир хилдир. У федерациянинг Париждаги Эйфель минорасида жойлашган манзилгоҳида ишлаб чиқилган. Ўзбекистонлик радиоҳаваскорлар бу тадбирда иккинчи бор қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: тадбир очилишидан лавҳа.

Суратчи А. ЗУФАРОВ (ЎзА).

* *Бир корхона янгиликлари*

МАЛАКА ОШИРИБ ҚАЙТАДИЛАР

«ЎЗБЕККАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш ижара бирлашмасининг «Металлург» ижара корхонасида рангли металларни қуйиб ва чиғирлайдиган янги участка қурилиши ниҳоясига етяпти. Бу ерда америкаликлар технологияси асосида янги турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Мазкур участкада АҚШнинг дунёга машҳур «Саутвайер» фирмасида тайёрланган янги линия ўрнатилиб, жаҳон ўлчамларига мос келадиган симлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Шу мақсадда «Металлург» ижара корхонасининг ишчи, муҳандис-техник ходимларидан бир гуруҳи АҚШга жўнаб кетди. Улар Жоржия штатининг Атланта шаҳрида малака ошириб қайтадилар. Кабелсозлар «Саутвайер» фирмасида бир ой мобайнида рангли металларни эритиб сим тайёрлаш ва чиғирлашнинг энг замонавий технологиясини ўзлаштирадилар.

ТАЛАБ ОРТМОҚДА

БИРЛАШМАНИНГ «Металлург» ижара корхонасига қарашли «Эркинлик» кичик корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларга талабгорлар тобора ортмоқда. Янги турдаги монтаж симлари ишлаб чиқарилганда тракторсозлар жуда мамнун бўлишди. Автотракторларнинг қурилмалари ва бошқа махсус жиҳозларини улашда қўлланиладиган бу симлар илгари Беларусдан сотиб олинарди. Гарчи бу маҳсулот ишлаб чиқарила бошлаганига бир йил ўтган бўлсада, айни кунда ўзининг сифати, пишиқлиги билан у беларусь кабелсозлари ишлаб чиқарган симлардан анча ўзиб кетди.

Тадбиркорлар келгусида тақчил ҳисобланган яна 2—3 хил симларни тайёрлашни режалаштиришган.

Кабелсозлар оёқ кийимлар учун тагчарм тайёрлашни ҳам ўзлаштиришган. Кичик корхонанинг бу турдаги маҳсулотлари Урганч, Тошкент пойабзалчиларига етиб бормоқда. 10 дан ортиқ турдаги ва ўлчамдаги тагчармлар шунингдек бир қатор кичик корхоналар томонидан ҳам сотиб олиняпти.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

ИНСТИТУТДА ТУРК БЎЛИМИ

КЎЗГА кўринган турк зиёлиси Юсуф Авжи ўзбек диёридаги ҳамкасблари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида турк тили бўлимининг ташкил этилиши уни Тошкентга келиб, ўқитувчилик билан шуғулланишга даъват қилди.

Гап шундаки, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари жамоаси ташаббуси билан шу янги ўқув йилидан эътиборан институтнинг ўзбек-қозоқ филологияси факультети негизида турк тили бўлими очилди. Ҳозир унда 25 нафар талаба таҳсил кўриб, турк тилини пухта ўзлаштирмоқда.

Талабаларни шу тилдан яқиндан ошно қилишда турк зиёлиси Юсуф Авжи ҳам фидойилик кўрсатмоқда. Бўлимнинг ўқув режаларини тузишда ҳам у ҳамкасблар билан бамаслаҳат иш тутди.

Янги бўлимнинг юзага келиши республикамизда лотин алифбосига ўтиш жараёнини тезлаштиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Озод АҲАДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Уруш ва меҳнат фахрийлари, Ўзбекистон жумҳуриятининг барча қариялари Сизнинг Ўзбекистоннинг ёши улуғ фуқароларига илиқ ва самимий, кекса авлодга чексиз ғамхўрлик билан тўлиб-тошган табригингиз ҳамда Халқаро қариялар куни муносабати билан кекса фуқароларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонингизни дилда ҳаяжон ва чуқур миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар. Фахрийларнинг жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига қўшган улушига юксак баҳо берганингиз бизни ғоят тўлқинлантирмоқда.

Кекса фуқароларга кўрсатаётган доимий эътибор ва ғамхўрлигингиз учун фахрийлар Сиздан беҳад миннатдордирлар. Сизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кексаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ва турмуш фаровонлигини таъминлаётган бир қатор фармонларингиз ана шу ғамхўрликнинг амалдаги тимсолидир.

Уруш ва меҳнат фахрийлари Сизнинг оқилона ички ва ташқи сиёсатингизни, Ўзбекистон ва бутун минтақада тинчликни, барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган амалий фаолиятингизни маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Бу сиёсат жаҳон ҳамжамиятида юксак қадр топганлигидан, давлатимизнинг обрўси кундан-кун ортиб бораётганидан ғоятда фахрланамиз. Сизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги шахсий иштирокингиз ва чуқур мазмунли нутқингиз бутун дунёда катта қизиқиш уйғотганлиги бунинг яққол тасдиғидир. Зеро, бу нутқ мустақиллик сари ўз йўлимиз ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги фахрли ўрнини белгилаб берди.

Барча уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари номидан Сизни ишонтириб айтамизки, бутун кучимизни, орттирган тажриба ва нуфузимизни мустақил давлатимизнинг жипслиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга, ёшларимизни юксак маънавий-ахлоқий, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, мустақил ва гуллаб яшнаётган Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш учун Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган йўлни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга сафарбар этамиз. Ниҳоятда зўр меҳнат фаолиятингизда асло ҳориманг!

Ориф Абзалов — уруш ва меҳнат фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳри; Лола Абдуллаева — пенсионер, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Урганч шаҳри; Александр Величко — авиакорхона фахрийлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри; Турсуной Каримова — меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ депутати, Андижон шаҳри; Азиз Қодиров — Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳри; Иноят Наврўзбоев — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Қорақалпоғистон Республикаси; Бектош Раҳимов — фахрийлар ташкилотлари Иттифоқи жумҳурият кенгаши раиси, Меҳнат Қаҳрамони; Норбек Мардонов — Самарқанд вилояти Оқтош шаҳри фахрийлар Кенгаши раиси; Меҳрибиби Худойберганова — 130 ёшли меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри; Павел Шевелёв — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъдодли генерал-полковник; Йўлдош Ғаффоров — Тошкент вилоятидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фахрийлар Кенгаши раиси.

* *Обуна—94*

ФИКР АЛМАШИБ, МУТОЛАА ҚИЛИНГ

МУҲАЙЁ Жўраева бир неча йилдирки шаҳримиздаги 31-алоқа бўлимида хизмат қилади. Валерий Мехов бошчилигидаги ушбу алоқа бўлимининг аҳолига намунали ҳизмат кўрсатаётгани, шу боис кунда, кун ора ёшу қаридан миннатдорчилик сўзлари «ёғилишида» унинг да хизмати катта.

— Айниқса, ҳозир оммавий нашрларга обуна бошланган даврда қўлимиз қўлимизга тегмайди, — дейди Муҳайё. — Ўзингизга маълум, обуна нархлари кўтарилиб кетган шароитда одамлар илгаригидек бешўнталаб эмас, битта бўлсада сарфлаган пулига арзийдиган газета-журналга ёзилиш пайида бўлади. Бу борада «Тошкент оқшоми»га бўлган талаб катта. Чунки у ўз муштарийларини кундалик воқеалардан ўз вақтида огоҳ қиладиган, қизиқарли, ўқимишли мақолаларни ўз саҳифаларида ёритадиган газетадир. Устига устак, ҳафтасига беш маротаба чиқиши ҳам унинг оёқда собит тургани исботидир. Алоқа бўлимида ишлаганим учун ҳам ҳар куни республикамизда нашр этиладиган барча газета-журналлар қўлимдан ўтади, лекин уйда, оқшомлари оила аъзолари билан йиғилиб мароқли мақолалар тўғрисида фикр алмашиб мутолаа қилишга нима етсин! Шунинг учун ҳам жамоадошим Мазлума Каримова иккимиз келгуси йил учун «Тошкент оқшоми»га обуна бўлдик.

Шуҳрат АМИНЗОДА.

ҚАДРЛИ «ОҚШОМ» МУХЛИСЛАРИ!

МАЪЛУМКИ, алоқа бўлимлари оммавий нашрларга «ёғли жой» ҳисобланади. Бинобарин ҳар қандай газета ва журнал шу ердан эгаларига тарқатилади. Бундай олиб қараганда шу соҳа хизматчилари газета ва журналларга унчалик чанқоқлик сезишмайди ҳам. Лекин барибир уйга бориб оила даврасида ўзи севган нашрларни ўқишнинг гашти ўзгача бўлади. Шу жиҳатдан олганда шаҳримиздаги 31-алоқа бўлимининг икки хизматчиси, яъни «Тошкент оқшоми»нинг ҳақиқий мухлислари бўлган Муҳайё Жўраева билан Мазлума Каримовалар ўзлари севган «Оқшом» газетасига келгуси йил учун обунани расмийлаштириб қўйганликлари қандай яхши! Демак келгуси йилдан бошлаб мана шу икки ҳамшаҳримиз учун ҳам газетамиз уларнинг энг яқин маслаҳатгўйи ва сирдоши бўлиб қолади.

Биз эса гапимизни мухтасар этиб «Тошкент оқшоми» газетасига шу кунларда 1994 йил учун обуна давом этаётгани, обунанинг бир йиллик баҳоси 22 минг 620 сўм, ярим йилга эса 11 минг 310 сўм эканлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Ўйлаймизки «Оқшом» муштарийлари шу кунларда ўзлари севган нашрга обунани расмийлаштириб қўйган ҳамшаҳарларидан ўрнак олиб улар ҳам бугун-эрта алоқа бўлимларига бориб газетага ёзиладилар. Чунки «Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам ҳафтасига беш марта чоп этилади. Шунинг учун вақтни ғанимат билиб унга обунани вақтида расмийлаштиринг!

«Нима учун айнан Ўзбекистон танлаб олинди?»

НЕМИС ЖУРНАЛИ «ВИРТШАФТЕН ХОЙТЕ» ШУНДАЙ САВОЛНИ ЎРТАГА ҚЎЯДИ ВА ЎЗИ ЖАВОБ ҚИЛАДИ: «ЧУНКИ БУ ЕРДА ЕВРОПА КОРХОНАЛАРИ УЧУН ЭНГ ҚОБИЛИЯТЛИ ҲАМКОРЛАР МАВЖУД».

Нюрнбергдаги «Юберзее пост организацион» маркетинг уйи «Ўзбекистон: Марказий Осиёнинг ўртасидан жаҳон сари» деган ном билан бизнес-гайд (ишбилармонлар учун йўлнома) нашр этди. У Ўзбекистон билан амалий муносабатларни мустаҳкамлашга бағишланган. Нашриёт мазкур иши билан ахборотдаги кемтикларни тўлдирди: кўпгина корхоналар бундай йўлланмани кўпдан буён кутар эди. 248 саҳифадан иборат бизнес-гайдда Ўзбекистонда хорижий фирмалар учун ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятлар батафсил баён қилиб берилган. Унда келтирилган рақамлар ва манзилгоҳларнинг номлари Ўзбекистондаги корхоналар билан алоқа ўрнатишни осонлаштиради. Корхоналар ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рўйхати берилган иловада Ўзбекистоннинг чет элга маҳсулот чиқариш имкониятлари кўрсатилган. Бизнес-гайд илова билан биргаликда халқаро ишбилармонлар олами учун жуда яхши иқтисодий йўлнома ҳисобланади. Шу вақтгача бундай йўлнома йўқ эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов йўлнома сўзбошисида «Жаҳон Ўзбекистонни кашф этмоқда», деб ёзади. Ўзбекистон ҳукумати Нюрнбергдаги тажрибали нашриёт уйи билан биргаликда тўғри йўналишда муҳим қадам қўйди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА САРМОЯ ЭГАЛАРИ УЧУН РИВОЖЛАНИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОР

Марказий Осиёдаги (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон) фирмалар билан алоқа ва савдо муносабатлари ўрнатган ишбилармонлар Европадаги корхоналар, шу жумладан немис корхоналари учун ўзбеклар орасида энг дилкаш ва қобилиятли ҳамкорлар бор, дейишади. Бу ердаги ҳуқуқий ва тижорат шароитлари Германиянинг янги ва эски федерал ўлкаларидаги ўрта синф учун жуда қулайдир.

Ўзбекистон ёш мустақил давлат сифатида иқтисодий тизими марказлаштирилган тартибда маъмурий бошқариладиган давлатдан демократик бозор муносабатларига ўтиш даврида турибди. Ўзбекистон ҳукумати Россиядаги «бозорга ўтиш тажрибаси»нинг оғир ижтимоий ва иқтисодий хатоларидан сабоқ чиқариб олиб, иқтисодиётни «фалаж қилмай», бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтишга ҳаракат қилмоқда. Ҳукуматнинг бу йўлини ҳам Ўзбекистондаги, ҳам хориждаги олимлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳоли жуда зич жойлашган мамлакат (бир квадрат километр жойга 48 киши тўғри келади). Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент Марказий Осиёдаги энг катта шаҳар (аҳолиси 2 миллион киши) бўлиб, бутун Марказий Осиё минтақасининг Каспий денгизига, Сибирь ва Жанубий Осиёга (Покистон ва Ҳиндистон) чиқадиган муҳим транспорт узелидир. Тошкент бутун Марказий Осиёнинг қадимий маданий маркази ҳамдир. Бу ерда жаҳондаги деярли барча қадимий маданиятларнинг изи қолган. Мамлакат саноат маҳсулотининг тахминан 25 фоизи Тошкентда ишлаб чиқарилади. Ўзбекистондаги яна икки катта шаҳар — Самарқанд (аҳолиси 370 минг киши) ва Бухоро (аҳолиси 225 минг киши) фақат Ўзбекистоннинг эмас, бутун Ўрта Осиёнинг тарихий ва маданий марказларидир.

Ўзбекистон олдида ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларнинг одатдаги муаммолари турибди. Оилаларнинг кўпчилиги серфарзанд: уларнинг учдан бирида беш та ва ундан кўп бола бор. Бу ерда туғилиш кўп (1991 йилда — 3,9, қиёслаш учун Германияда 1,5).

ЎЗБЕКИСТОНГА НЕМИСЛАР ЕРДАМИ

СССР мавжуд бўлган даврда Ўзбекистон Россияга хом ашё етказиб берадиган республика сифатида бир томонлама ривожланди. Ана шу қарамлик ва Россияга иқтисодий жиҳатдан боғлиқликдан мамлакатнинг хўжалик ва савдо сиёсатини келажакда ҳам бўйсундириш назарда тутилган эди. Марказий Осиёдаги бешта республика Россия устун турадиган ҳамкорликдан аста-секин қутулишга уриниб, фақат ўзаро эмас, шу билан бирга Эрон, Туркия, Афғонистон ва Жанубий Корея билан, сўнгги вақтда кўпроқ даражада Хитой билан ҳам иқтисодий яқинлашишга интилмоқда.

Катта нуфузга эга бўлган Германияга келганда эса унинг ёрдамчи тармоқлар ва экология соҳасида, бевосита ишлаб чиқариш жараёнида кўпроқ иштирок этиши мақбулдир.

Яқинда (1993 йил 13 март) Германия билан Ўзбекистон техникавий ҳамкорлик дастури ҳақида келишиб олди. Бу дастурда кўзда тутилган тадбирлар 1994 йилнинг охиригача амалга оширилиши мўлжалланган. Унинг муҳим бандлари қуйидагилардир:

бошқарув идораларини барпо этишда, транспортни ислоҳ қилишда, мелиорация дастурини ишлаб чиқишда немислар томони билан маслаҳатлашиш, асосий доридармонларни ишлаб чиқариш учун Ўзбекистоннинг фармацевтика саноатини барпо этишда немисларнинг мадади;

кичик ва ўртача корхоналарни барпо этиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишда Германиянинг Ўзбекистон ҳукуматига ёрдам бериши.

Немисларнинг Ўзбекистонга ёрдами бу ерда «Мерседес», «Сименс» каби улкан компаниялар, шунингдек «Дойче банк» жойлашаётган бўлса ҳам, аввало Германиядаги ўртача компаниялар ва фирмаларнинг иштирок этишига асосланиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСЛАРИ

1991 йил бошидан буён Ўзбекистон Парламенти мамлакатни бозор иқтисодиёти томон йўллайдиган бир неча иқтисодий қонун қабул қилди. Корхоналар ва ишбилармонлик, чет эл сармояси ҳақидаги қонунлар шулар жумласидандир. Кейинчалик валютани бошқариш, хусусий мулк, корхоналар, бирлашма ва ташкилотлардан солиқ олиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Йирик давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариб, хусусий мулк қилиб бериш учун 1992 йилда махсус давлат комитети тузилди. Комитет ҳозир савдо ва маиший хизмат соҳасини хусусийлаштириш устида қизғин иш олиб бормоқда. Комитет ўз ишини Ўзбекистондаги хусусийлаштирилаётган корхоналар мулкининг 80 фоизини чет эл сармоялари ташкил қилиши асосига қурмоқда. Янги ташкил қилинаётган корхоналар эса, бутунлай хорижий сармоядорлар қўлида бўлиши мумкин.

«Виртшафтен хойте» журнали бизнес-гайднинг Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги хусусидаги қисмини батафсил келтириб, электр қуввати ҳосил қилиш, табиий газ, кўмир, нефть қазиб чиқаришга ва муҳим саноат марказларига оид статистик маълумотларни баён қилади. Бизнес-гайд материаллари асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий тузилмаси, экспорт ва импорт даражаси, изчиллик билан ўтказилаётган хусусийлаштириш жараёни кенг шарҳланади.

«Нима учун айнан Ўзбекистон танлаб олинди?» мақоласи европалик ишбилармонларнинг айнан шу саволига ҳам жавоб беради. «Чунки Ўзбекистон — собиқ Иттифоқ ҳудудидаги энг барқарор ва тез суръатлар билан тараққий этаётган республикадир».

Ўрта бизнес намояндалари учун Берлинда чиқариладиган бу журнал «Ўзбекистон: Марказий Осиё ўртасидан дунё сари» тарғибот маълумот нашрини бугунги кунда жаҳон бозорида фаол ишлаётган Ўзбекистон ҳукуматининг ўз вақтида амалга оширган иши, деб ҳисоблайди. Ғарблик ҳамкорларнинг Ўзбекистон ҳақидаги бу бизнес-гайд билан танишуви Европа ва океан ортидаги ишбилармонлар доираларининг шу пайтгача нотаниш бўлган, аммо келажаги порлоқ мамлакатга қизиқишини орттириши шубҳасиз.

70 йилликдан ортиқ тажрибага эга бўлган ва мана шу сингари нашрларни чиқаришга ихтисослашган Нюрнберг «Юберзее пост организацион» маркетинг уйи бундан буён ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ниятида. «Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкор эканига аминмиз», — дейди нашр доктор Харниш.

Ўзбекистон ҳақидаги бизнес-гайд Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фирмаларидан бири билан ҳамкорликда нашр этилган. У ҳозирги пайтда дунёнинг 70 мамлакатига тарқатилмоқда.

* * *

Ўзбекистонга бағишланган бизнес-гайд ҳақидаги хабарни 22 сентябрь куни Германиянинг «Франкфуртер альгемайне» газетаси босиб чиқарган. Хабарда «олти рангли безак билан нашр этилган бу иқтисодий ҳужжатда барча муҳим манзиллар, меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистонга божсиз олиб кириш мумкин бўлган моллар рўйхати, савдо ҳақидаги қонунлар тўғрисида т. ia маълумот бор»лиги таъкидланади.

Германиянинг «Виртшафтен хойте» журналидан олинди.

---

* *Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида гапирилган эди*

ОҚСОҚОЛЛАР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛАДИ

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида давлатчилигимизни мустаҳкамловчи қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Шулардан бири «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун бўлиб, унда маҳаллаларнинг республикамиздаги конституцион ўрни кўрсатиб берилган. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати, Ҳамза тумани маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, доцент Неъматжон Ҳасанов билан мазкур Қонун ҳақида суҳбатлашди.

— Неъматжон ака, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун сизнингча қай тариқа вужудга келган?

— Аввало шуни айтиш керакки, маҳалланинг жамиятда тутган ўрнини ҳар томонлама асослаб беришга бўлган интилиш, менимча маҳалла пайдо бўлган даврдан бошланган бўлса ажабмас. Собиқ Иттифоқ даврида бу масала атрофида бир неча марта баҳс ва тортишувлар бўлиб, маҳалла комитетлари ҳақида Низомлар ишлаб чиқилди ва Олий Кенгаш Раёсати томонидан қабул қилишга эришилди. Шундай бўлишига қарамай, маҳалланинг жамиятда тутган ўрни хусусида яқин-яқингача салбий тушунчалар мавжуд эди. Бинобарин, бу масканлар ижтимоий жиҳатдан кўп қаватли уйлардан ташкил топган шаҳарча, даҳалар, яъни давлат секторидан орқада қолиши, аҳолининг оддий қулайликлардан маҳрум этилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ҳайриятки, мустақиллик туфайли пешонамизга офтоб тегди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан маҳаллаларга бўлган эътибор анча ошди. Кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар маҳаллалар аҳлида фахр ва ғурур уйғотмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалланинг жамиятдаги мавқеини белгиловчи алоҳида, 105-модда бўлиб, унда: «Шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятни ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади», дейилади. Шу тариқа Конституциядаги қоидага асосан янги Қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

— Қонун эълон қилинганига ҳам мана бир ой бўлай деб қолди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарорида шу йилнинг 1 декабригача барча маҳаллаларда маҳалла чегараларини аниқлаш, раис ва унинг маслаҳатчиларини сайлашни тугатиш керак, дейилади. Бу борада Ҳамза туманида қандай ишлар қилиняпти?

— Қонун эълон қилинганидан бир ҳафта ўтар-ўтмас туман ҳокими Б. Юсупов билан ҳамкорликда маҳалла оқсоқолларининг йиғинини ўтказиб, Қонундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдик. Маҳалла ўрами чегараларини аниқлашда шунга келишдикки, ҳозиргача мавжуд бўлган чегаралар қандай бўлса, ўшандоқлигича қоладиган бўлди. Тумандаги 44 та маҳалла раислари жадвал бўйича фуқароларнинг мажлисини ўтказишади. Айни пайтда қизғин тайёргарлик ишлари кетяпти.

— Айтингчи, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг ўрни Қонунда белгилаб берилганми?

— Бу ҳақда Қонунда ёзилмаган, лекин маҳалланинг республика жамиятидаги ўрни Қонун билан ифода этилиб, у давлатнинг қуйи тизимига айланаётган экан, бу тизимда жамғарма маҳаллалар фаолиятига у ёки бу таҳлитда таъсир ўтказиб, улар фаолиятини мувофиқлаштиришда ўз ўрнини белгилаб олиши керак. Акс ҳолда унинг бошқа ўнлаб фаолият кўрсатаётган жамғармалардан фарқи қолмайди. Жамғарма раёсатининг бир йиғинида анча баҳс ва тортишувлардан кейин туман бўлинмаларини очишга қарор қилинган эди. Ўтган ярим йил ичида Юнусобод ва Ҳамза туманларида бўлинмалар очилиб, уларга туман маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгашлари раҳбарлик қилмоқда. Янги Қонунда кўзда тутилганидек, бу Кенгашлар раислар ёки оқсоқоллар кенгашларига айлантирилса ҳам барибир жамғарма бўлинмалари ўша Кенгашлар раҳбарлигида фаолият кўрсатаверади. Оқибатда жамғарма маҳалла тизимида ўз ўрнига эга бўлади.

— Шундай қилиб Ҳамза туманида маҳалла фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузиш борасидаги биринчи йиғинини қачон бошлайсизлар?

— Яқинда туман ҳокими ва ҳокимлик маҳкамаси бошлиқлари ҳамда маҳалла раислари билан яна бир бор бу муҳим ишнинг барча томонларини келишиб олдик. Маҳалла раиси (оқсоқоли)ни сайлаш бўйича дастлабки йиғинлар Қўйлиқ ота маҳалласи ва кўп қаватли уйларда ташкил этилган Акмал Иқромов номидаги маҳаллада ўтказилиши белгиланди.

Суҳбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.

---

* *Фармон ва ижро*

Нафақадорларимиз ижтимоий ҳимояси

● Кексаларга, ногиронларга, ёрдамга муҳтож кишиларга ҳар томонлама кўмак берадиган давлатни демократияга юз тутган, маънавий қадриятларни эъзозлайдиган мамлакат деб айтишимиз мумкин. Кейинги пайтларда республикамизда бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, фақат шу йилнинг ўзидагина юртбошимизнинг нафақаларни ошириш тўғрисида олтита Фармони чиққанлиги бунга яққол мисол бўла олади. Биз Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи Холида Турсунова билан нафақадорларга яратилаётган қулайликлар хусусида мулоқотда бўлдик.

— Холида Убайдуллаевна, эркин бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги иқтисодий жиҳатдан мураккаб шароитларда республикамиз ҳукумати, юртбошимиз И. А. Каримов томонидан ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда, бир қанча жуда зарур фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Бироқ ҳар бир қарорга жойларда тезкорлик билан амал қилинсагина у аниқ кучга эга бўлади. Бинобарин, ижтимоий таъминот идоралари томонидан нафақадорларимиз ҳозирги шароитларда жамғармаларига қўшилаётган пулларни ўз вақтида олишлари учун лозим бўлган ишлар қилиняпти десак адашмасак керак?

— Дарҳақиқат, юртбошимизнинг ҳар бир Фармонлари юзасидан ижтимоий таъминот хизмати ходимлари томонидан жуда тезкорликда фаолият олиб борилади. Ўйлаймизки, нафақадорларимиз ҳозир ҳеч қандай монеъликларсиз ўзларининг оширилган нафақаларини олмоқдалар. Бу гал ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 9 сентябрда чиққан «1993 йилнинг 1 сентябридан меҳнат ҳақи, пенсия ва стипендияларни ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан нафақаларнинг ҳамма турлари зудлик билан 1,2 баробар оширилди. Аниқроқ қилиб айтганда, бизнинг буюртмамизга кўра шаҳар статистика бошқармасининг ҳисоблаш маркази томонидан алоқа бўлимлари орқали нафақа оладиган 219 минг нафақадорлар нафақасига қўшимча пул тўланиши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тайёрланди. Шунингдек, ўз нафақаларини жамғармалар банки тармоқларидан оладиган 2450 нафақадорлар ҳам сентябрь ойида оширилган нафақаларни олдилар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, сентябрдаги Фармонга мувофиқ нафақаларни тўлаш учун қўшимча харажатлар 1,6 миллиард сўмни ташкил этди, ёхуд энди ҳар ойда нафақаларни тўлаш учун 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг шу йил 7 июнда чиққан «Гонораралар ва фахрий унвонлар учун қўшимча ҳақ миқдорини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ айрим нафақалар миқдори оширилиши ҳам кўзда тутилган. Бунда қайси турдаги нафақадорлар нафақаси оширилади?

— Ҳукуматнинг мазкур қарорига биноан 1993 йилнинг 1 июлидан «Хизмат кўрсатган ходим» ёки «Халқ ходими» фахрий унвонларига эга нафақадорлар нафақасига Вазирлар маҳкамаси томонидан махсус тасдиқланган рўйхатга биноан қўшимча миқдор тўлана бошланди. Бу қарорга биноан асосан шахсий нафақадорларнинг нафақалари оширилди.

— Юртбошимизнинг охирги — «Халқаро қариялар куни муносабати билан Республиканинг кекса фуқароларини моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бўйича кимларга ва қандай тартибда бир марталик пул мукофотлари тўланади?

— Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил 1 октябрдаги Фармонига кўра ажратилган пул мукофоти 1 октябрь кунига 55 ёшга етган аёллар ва 60 ёшга кирган эркакларга қандай турдаги нафақаларни олаётганларидан қатъий назар тўланади.

Ушбу рағбатлантирув пуллари 1993 йилнинг октябрь ойида тўланиши керак бўлган ойлик нафақанинг 50 фоизи миқдорида ижтимоий таъминот идоралари орқали нафақа оладиган ишламаётган нафақадорларга тўланади. Шахсий нафақа оладиган 55 ёшга тўлган аёллар ҳамда 60 ёшга кирган эркакларга эса ишлаш-ишламаслигидан қатъи назар мукофот пули берилади.

Шу кунгача пул мукофотларини тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланиб алоқа бўлимларига топширилди. Жамғармалар банкидан нафақа оладиган нафақадорлар учун мукофот пуллари 1993 йилнинг октябрь ойида улар ҳисобига ўтказилади.

Ҳозирда меҳнат қилаётган нафақадорлар учун пул мукофотлари улар ишлаётган корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар ўз ҳисобларидан тўланади.

Нафақадорларимиз учун яна бир янгилик ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳозирги пайтда нафақа ва ёрдам пулларини белгилаш ва тўлаш Маркази тугатилиш арафасида. Энди бундан буён нафақа ва ёрдам пулларини тўлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ишлари туман ижтимоий-таъминот бўлимларида олиб борилади. Мазкур Марказни босқичма-босқич тугатиш ишлари 1994 йилнинг 1 январига қадар давом этади ва бу борада жадвал ҳам ишлаб чиқилди. Ҳозирнинг ўзида тўлов ҳужжатлари Бектемир ва Сергели туман ижтимоий таъминот бўлимларига топширилди. Эндиликда нафақадорлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича фақат туман ижтимоий таъминот бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

Даврон НУРМАТОВ суҳбатлашди.

Шаҳримиздаги ўқувчиларнинг ижодий техника марказида меҳнат қилаётган мураббийлар кўплаб ўқувчиларга турли соҳаларда билим беришиб, турли мутахассисликларнинг дастлабки дебочаси билан таништирмоқдалар. Бу ерга ташриф буюрадиган ҳар бир ўқувчи, албатта маълум вақт ўтгандан сўнг ўзлари ихтиро қилган маҳсулотларини синовдан ўтказишади.

СУРАТЛАРДА: юқорида ёш моделчилар ўзларининг янги ясаган моделлари ёнида; пастда эса ўқувчилар томонидан яратилган аппарат синовдан ўтказилмоқда.

Равиль Альбеков суратлари.

---

* *Қиш тайёргарликни ёқтиради*

МАВСУМГА ШАЙ БЎЛИБ

ҲОЗИРГИ кунда пойтахт корхона, муассаса ва ташкилотларида қишга тайёргарлик қизғин бормоқда. Шаҳар автохўжаликлари ҳам бундан мустасно эмас. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки йўлга чиқадиган ҳар бир машина қишга шай бўлмаса ҳаракат хавфсизлигига путур етиши мумкин. Буни ўз вақтида тушунган «Тошшаҳарюктранс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2521-автожамлама жамоаси машиналарни ҳозирданоқ мавсумга шай қилиб қўйди. Биз бунга автокорхонада бўлганимизда ишонч ҳосил қилдик.

Автохўжаликка кириб борганимизда асосий машиналар буюртмачилар хизматига жўнаб кетган экан. Бу ерда фақат таъмирга муҳтож машиналар ва уларнинг таъмирловчилари ишлашаётган эди. Мотор бўлинмасига йўл олдик. Таъмирловчилар бир нечта машинанинг моторини ечиб олиб, улардаги носозликларни тузатаётган экан. Иссиқ хонада ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи Музаффар Файзихўжаевни ҳам шу ердан топдик. Унга мақсадимизни айтган эдик у жамоада қишга тайёргарлик ишларини шу йилнинг баҳоридаёқ бошлаб юборилганлигини таъкидлаб сўзида давом этди: — Бизда мотор бўлинмасидан ташқари агрегат, темирчилик, оралиқ, аккумулятор, шиналар, мойлаш, ўқларни таъмирлаш бўлимлари мавжуд. Маъмурият биноси, дам олиш хоналари эса ўз йўлига. Ана шу хоналарни иситиш учун мавсумда битта қозонхона ишлайди. Қоларса, шу автохўжалик ёнида жойлашган мактаб ҳам қиш мавсумида шу қозонхона ёрдамидан фойдаланади. Ҳозирги кунга келиб қозонхонани ювиб носоз қисмларини бошқасига алмаштирдик.

Бино томларининг чакка ўтадиган жойларини таъмирлашда ҳам анча ишларни амалга оширдик. Шу мақсадда корхонага 1000 та шифер олиб келиб, ошхона, маъмурият биноси, техник ёрдам кўрсатиш, шиналарни таъмирлаш бўлинмалари ҳамда омборхоналарнинг томларини ёпдик. Хоналардаги синган ойналарни алмаштириш ҳам ниҳоясига етди. Эшиклар таъмирланди. Хоналардаги чириган полларни алмаштириш ва бошқа мақсадлар учун 10 куб метр тахта олдик.

Таъмирловчиларга қулай шарт-шароит яратиб беряпмиз. Шу мақсадда янги корпус бунёд этяпмиз. Уни қиш мавсумигача ишга туширамиз.

Автожамламадаги мавжуд 314 машинадан 240 таси мавсумга тайёр. Биз бунда асосан машина ойналарининг бутунлиги, шиналарнинг янгилиги, тормозларнинг яхши ишлаши ва ҳайдовчи ўтирадиган жойнинг иссиқ бўлишига эътибор бердик. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бизда ҳар бир машинанинг қишга тайёргарлиги ҳақида алоҳида ёзма ҳужжат тузилади. Ва уни ҳайдовчи шахсан қабул қилиб олади.

Бу билан биз қишга тайёргарлик бўйича бу ерда ҳеч қандай муаммо йўқ, демоқчи эмасмиз. Аксинча, барча ерда бўлгани каби жамоада ҳам баъзи бир қийинчиликлар мавжуд. Масалан, ҳозирги кунга келиб битта шинанинг нархи 150 — 200 минг сўм атрофида. Аккумуляторларнинг нархи эса 300 минг сўмгача бормоқда. Битта тиркамали КамАЗга эса 20 та шундай шина кетади. Бу ёғини ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Устига устак бу эҳтиёт қисмлар жуда танқис. Яқинда бор-йўғи 50 шина олинди холос. Ваҳоланки, режа бўйича 400 та шина олиниши керак эди.

Лекин жамоа қийинчиликларга қарамасдан машиналарни қишга тайёрлаш бўйича бор имкониятни ишга солмоқда. Шу йилнинг ўзида 8 та янги мотор олиб келинди. Қолган моторларни жорий ҳамда асосли таъмирлаш ишлари тўла бажарилди. Йил мобайнида 200 та шина қайта таъмирланди. Яқинда эса яна 150 та шина таъмирлашга жўнатилди. Хуллас, жамоа қиш мавсумида ҳаракат хавфсизлигини тўла таъминлаш учун барча ишларни амалга оширмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.

---

* *Миллий ишчилар тайёрланади*

БЕШ ЙЎНАЛИШЛИ ДАСТУР

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигини мустаҳкамлаш, янада равнақ топтиришда малакали мутахассисларнинг ўрни каттадир. Айниқса, миллий ишчилар синфини шакллантиришга бўлган талаб тобора ортмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика ўқув услубиёт маркази ҳунар-техника бўлими ҳамкорликда ҳунар-техника билим юртлари учун янги ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқди. Бу дастурлар беш йўналишни ўз ичига олиб, қурилиш, машинасозлик, енгил саноат, энергетика, транспорт ва алоқа ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган. Ана шу йўналишлар бўйича махсус тўпламлар нашрдан чиқди.

— Бундай тўпламлар республикамизда биринчи марта ишлаб чиқилди ва нашр этилди, — дейди республика ўқув услубиёт маркази, ҳунар-техника бўлимининг етакчи мутахассиси Боқижон Сиддиқов. Мустақиллик шарофати билан энди ўзимиз бундай қўлланмаларни ишлаб чиқдик. Уни тайёрлашда вазирлигимизнинг етакчи мутахассислари, ўқув услубиёт маркази ҳунар-техника бўлими ходимлари, шунингдек тажрибали ўқитувчилар, услубчиларни жалб қилдик.

Шу 1993—94 ўқув йилидан бошлаб ҳунар-техника билим юртлари ана шу дастурлар бўйича иш олиб бормоқда. Улар 80 дан ортиқ касбни ўз ичига олган.

Бундан ташқари ҳунар-техника билим юртлари фаолиятига ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Кўпгина билим юртларида иш янги йўналишлар бўйича ташкил қилинган. Шулардан бири техник лицейлардир. Уларга билим юртларидан кўра кенгроқ имконият берилган.

— Бу йил шаҳримизнинг мавжуд техник лицейларидан бештасига ўқувчилар тест синовлари асосида қабул қилинди, — дейди ҳунар-техник бўлимининг яна бир етакчи мутахассиси Муаффар Рашидов. — Натижа ёмон эмас. Техник лицейларнинг афзаллик томони шундаки, бу ерда ўқиш икки босқичда олиб борилиб, ўқувчи ҳунарли бўлиш билан биргаликда мутахассисликни ҳам эгаллайди. Масалан машинасозлик бўйича шоферликка ўқиш билан бирга слесарь-техникликни ҳам ўрганади. Ёки техник бўлиш билан бир қаторда кичик муҳандис-технолог ҳам бўлиб етишиши мумкин ва ҳоказо. Лицейни муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар техникум даражасида диплом оладилар.

Ҳунар-техника билим юртларига ишлаб чиқилган дастур ва қўлланмалар бирбирига яқин, қўшма касб эгаларини тайёрлаб беришга қаратилгандир. Унда ҳар бир билим юртининг ички ва ташқи имкониятлари ҳисобга олинган. Билим юртида ўтиладиган махсус фанларда 8 сарияти русчадан таржима дарсликлар қўлланиларди. Айниқса, машинасозлик ва қурилиш соҳасида қўлланмалар жуда кам. Ана шуларни ҳисобга олиб республика ўқув-услубий марказининг ҳунар-техника бўлими ходимлари янги дарсликлар яратиш ва таржима қилишга эътиборни қаратмоқдалар.

Назира ҚУРБОН қизи.

Шифо ва саломатлик

● Юқумли касалликлар орасида сил касаллигининг келиб чиқиш сабаби, олдини олиш борасида қандай ишлар қилинаётгани ҳақида муштарийларимиз тўлароқ тушунча ҳосил қилишлари учун Чилонзор туманига қарашли сил касалликлар диспансери бош шифокори Хурсаной Исматуллаевага мурожаат этдик:

ЧИНИҚҚАНГА ДАРД ЮҚМАС

— Хурсаной опа, сил касаллигининг тарқалиши сабаблари нимада?

— Сил инсониятга жуда қадим замонлардан маълум бўлган ва кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири. Археология қазилмалар вақтида топилган тош асрида яшаган одамларнинг суяклари ҳамда қадимий Миср эҳромларидан топилган мўмиёланган мурдаларда ҳам сил касаллигига хос белгилар аниқланган. Сил касаллигининг тарқалиш йўлларига келсак, кўпчилик ҳолларда сил таёқчаси одамга гаплашганда, аксирганда ва йўталганда юқиб қолади. Аммо танага кирган сил микробактерияси ҳамма вақт ҳам касаллик келтириб чиқаравермайди. Соғлом, бақувват кишида сил таёқчалари зарарсизланиб, ҳалок бўлади. Бунинг учун вақтида ухлаб, кучли овқатларни тамадди қилиш, тоза ҳавода сайр этиш, жисмоний иш билан мунтазам шуғулланиш танани мустаҳкамлашнинг энг яхши воситасидир. Бундан ташқари спиртли ичимлик ичиш билан нафас аъзолари ҳолати ўртасида катта боғланиш бор. Шуни унутмаслик керакки, алкоголь ўпка ҳужайраларининг озиқланишини ёмонлаштиради, спиртли ичимликни мунтазам истеъмол қилганда ўпка тўқималарининг микробларга қаршилик кўрсатиш кучи пасайиб кетади ва ўпкада қон айланиши бузилиб, кислороднинг қонга ўтиши камаяди.

— Сил касаллиги билан оғриган беморларда унинг қандай аломатлари сезилади?

— Сил касаллигининг аломатларига аста-секин ҳолсизланиб, озиб бориш, кечалари терлаш, иситма, баъзан кўкрак қафасида оғриқ пайдо бўлиши, йўтал ва бошқалар киради. Бундан ташқари иситма хасталикнинг дастлабки белгиси бўлиб, бошланғич даврида тана ҳарорати 37,5 даража атрофида бўлади. Ўпка сили учун иситманинг гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб туриши характерлидир.

— Сил касаллиги жараёни бошланган билан унинг аломатлари сезилмаслиги мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Шунинг учун касалликнинг бошланган даврини аниқлаш мақсадида флюорография усули қўлланилади. Баъзан танадаги бир вақтлар ҳосил бўлган ва шу давргача зарарсиз бўлиб келган, сил билан шикастланган аъзоларда сақланиб келаётган микробактериялар тез кўпайиб, кўпинча ўпкада силнинг бошланғич тури пайдо бўлади. Бунда бемор дастлаб тез чарчайди, иш куни охирига келиб боши оғрийди. Баъзан кечалари терлайди, қисқа ва қуруқ йўталади. Бундай ҳодисаларни айрим кишилар шамоллаш ёки чарчашдан ўйлаб, даволанишга киришмайдилар. Бунинг оқибати эса яхшиликка олиб бормайди.

— Бугунги кунда сил касаллигидан бутунлай халос бўлиб кетган беморлар кўпчиликни ташкил этадими?

— Силдан бутунлай тузалиб кетиш мумкин, чунки ҳозир бизнинг ихтиёримизда сил микробактериясига жуда кучли таъсир қиладиган 30 дан ортиқ дорилар мавжуд. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, шифокорга вақтида мурожаат қилган беморларнинг 80 фоизи бутунлай тузалиб кетган. Агар касаллик ўтказиб юборилган ва ўпкада чуқур ўзгаришлар юзага келган бўлсаю, дорилар энди кор қилмаса, бемор жарроҳлик йўли билан даволанади.

— Суҳбатимиз муҳтасарида муштарийларга қандай маслаҳатлар берардингиз?

— Чақалоқ туғилгач, уни биринчи навбатда силга қарши вакцина эмлатиш зарур. Қолаверса, бадантарбия билан шуғулланиш саломатликни сақлашда жуда катта аҳамиятга эга. Чиниққан тана касалликларга чалинавермайди. Тоза ҳаво, денгиз бўйларида, тоғ ён-бағрларида дам олиш, кучли овқатлар, дармондориларга бой таомлар тамадди қилиш касалликни енгишга ёрдам беради. Хулоса қилиб айтганда, озодалик қоидаларига риоя қилиб, ўз вақтида тиббий текширишлардан ўтиб туриш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Уй шароитида ҳам турли хилдаги юқумли касалликларни оилавий тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир кишини ўз идиш-товоғи, сочиқ ва бошқа зарур рўзғорлари алоҳида бўлмоғи лозим. Зеро, саломатлик одамзотнинг энг катта бойлиги.

Суҳбатдош Дилдора ОРИПОВА.

«КАТТА ҚАЪНИ» ДА УЧРАШУВ

ҲОЗИРГИ бозор иқтисодиёти шароитида соғлом авлодни камол топтириш, болалик ва оналикни муҳофаза қилиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Шу боис ҳам мазкур масалага бағишланган тадбирлар жойларда тез-тез уюштирилмоқда. Акмал Икромов туманидаги «Катта Қаъни» маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда ҳам айнан мана шу мавзу бўйича фикр-мулоҳазалар юритилди.

Маҳалла фаоллари, шунингдек, тадбир ўтказилаётган 203-мактаб ўқитувчилари иштирок этган йиғилишни туман саломатлик марказининг бош шифокори И. Ғуломов кириш сўзи билан очди. Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институти бемор болани овқатлантириш курсининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ш. Шомаҳмудов, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири М. Жалилов, республика Саломатлик маркази ташкилий бўлимининг мудири А. Тоҳирий ва маҳалла фаолларидан бир гуруҳи сўзга чиқишиб, мустақил диёримизда соғлом авлодни камол топтириш ниҳоятда долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар.

Самад ШОДМОНОВ.

УСТОЗЛАРИ ЎГИТИ АСҚОТДИ

ЗАЙНИДДИН Рихсибеков шаҳар «Тез ёрдам» шифохонасининг 1-жарроҳлик бўлимида 8 йилдан бери ҳалол ишлаб келмоқда. У II тонфадаги шифокор.

— Устозларим ўгити, ўқиш-изланишлар, синовтажрибалар жуда асқотди, — деди биз билан суҳбатда Зайниддин. — Бу йўлни танлаб хато қилмаганимга ишондим. Жарроҳ бўлиб етишишимда шифохонамиз бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Тоҳир Миродиловнинг хизматлари ҳам менга кўп синган. Шулар сингари меҳрибон, чуқур билимга эга устозларим бўлмаганида бундай соҳа эгаси бўлишим қийин эди.

У бўш вақтларида ўз устида ишлашни жуда севади. Айниқса Ибн Сино асарларини ўқиб, чуқур эгаллашга ҳаракат қилади. Чунки тиббиёт фанининг илдизлари шу бобокалонимизга бориб тақалади. У тарихни, ўтмишни билмай туриб, илгарилаш мушкул, деб ҳисоблайди.

— Бизнинг шифохонамиз ўз номи билан «Тез ёрдам» шифохонасидир, — дейди Зайниддин, — демак, бизнинг билим, куч-ғайратимизни сарфлашни талаб қилади. Бизга оғир касаллар келишади. Уларнинг ҳар бири нафаси, томир уришини кузатиб, соғ-саломат оёққа тургунча, бурчимизни ҳалол бажаришимиз керак. Асосан, бизда ошқозон, ичак касалликлари, жигар, ўт пуфаги ва унинг йўллари, умуман, қорин бўшлиғидаги ўткир яллиғланиш касалликлари даволанади.

Ҳозир, шифохонада дори-дармон, жарроҳлик асбобускуналари муаммо бўлса ҳам, шифокорлар беморлардан, ширин сўзларини аяшмайди. Зайниддиннинг касбдошларидан Кенжабек Долимов, Иэроил Рябухин, Маҳамаджон Илёсов ва бошқалар саломатлик пойдеворини мустаҳкамлашга камарбасталар.

Нодира АБДИРИМОВА.

** Тиббиёт муассасаларида*

ЧЕҲРАНГИЗ ЁРИШИБ ЧИҚАДИ

ДУНЕДА тиши ҳеч оғримаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Ҳа, тўрт мучангиз соғ бўлганга нима етсин! Лекин инсоннинг ўз умри давомида қатор хасталиклар билан тўқнашишига тўғри келадики, бундан асло қочиб бўлмайди.

Санобар аянинг ичига чироқ ёқсангиз ҳам ёришмайди. Бир неча кундирки, тиш оғриғи унга азоб беради. Шифокорга боришга эса юраги бетламайди. Уйда ўзича кўп муолажалар қилиб кўрди: оғриган тишини намакобга чайқади, атирга шимдирилган пахта тиқиб кўрди, оғриқ қолдирадиган дори ичди, бўлмади. Охири Зиёд аканинг тоқати тоқ бўлиб хотинига юзланиб деди:

— Оғриган тишнинг энг яхши давоси омбур, хотинжон, олдириб ташласанг қутиласан, вассалом.

Эрта билан тиш даволаш шифохонасига борган Санобар ая йўлакда бош шифокор Тўлаган акага рўпара келди ва муддаосини айтди.

— Шошилманг, опажон, тишингизни олдириш қочмайди, аввал кўрайликчи, балки даволаса бўлар.

— Э, ҳожи ака, шу тишим тушмагур жуда жонимни қийнаб юборди, турмуш ўртоғим ҳам унинг баҳридан ўтишимни тайинладилар, — дея юзланди бемор бош шифокорга.

Хуллас, тиш шифокорлари Санобар аянинг оғриган тишини суғуриб ташлашни эмас, балки даволашни маслаҳат беришди. Уларнинг гаплари шунчалик ишонарли эдики, опанинг бу гапларга кўнмасдан бошқа иложи қолмаганди.

Шундай қилиб, ушбу шифо масканига келган яна бир қовоғи солиқ беморнинг бу ердан чеҳраси ёришиб чиқиб кетди. Чунки у ерда қилинган муолажалардан сўнг тиш оғриғидек азобдан қутилган эди-да!

— Одамнинг тишлари садафдек ярқираб турса қандай яхши, — дейди бош шифокор Тўлаган ҳожи Мусашайхов. — Лекин бунга аввало ҳар бир одамнинг ўзи ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун овқатланиш тартиб-қоидаларига риоя қилишдан тортиб тишни ўз вақтида парваришлаб туришгача бўлган юмушлар киради. Бир гап айтсам, одамлар ўз тишларига нақадар бепарволик билан қарашларига яққол мисол бўла олади. Қозондан сузиб келтирилган қайноқ паловни биз совуқ сувга бир неча соат солиб қўйилган турп билан қарсиллатиб тишлаган ҳолда еяверамиз. Бунга унча аҳамият ҳам бермаймиз. Лекин тиш шу дақиқада ҳам иссиққа, ҳам совуққа бардош бериши керак. Шундай ҳол такрорланавергач охири у «дарз» кетади-да! Турмушда шунга ўхшаш мисоллар озмунчами? Тишимизни ҳеч ўйламай қарсиллатиб бодом чақишларимизчи? Хуллас, мен сизга айтсам тишнинг инсон саломатлигининг мустаҳкам бўлишидаги хизмати жуда катта. Шунинг учун уни эҳтиёт қилмоқ керак.

Ҳа, ушбу шифо масканига даво излаб келган беморларга бундай ҳаётий зарур бўлган ўгит ва маслаҳатлар такрор ва такрор айтилади. Бу гапларга қулоқ солган ва шифокор маслаҳатига риоя қилган киши эса тиш оғриғидек нохуш дарддан анча узоқда бўлади.

Ҳа, айтмоқчи, бу ерга биргина Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи фуқаролар эмас, балки катта шаҳримизнинг турли бурчакларидан, Тошкентга узоқ яқиндан ташриф буюрган кишилар ҳам ёрдам сўраб келишади. Уларга ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдамдан беморлар мамнун бўлишаяпти.

— Тиш оғриғи айниқса кечаси кучаяди, шу боисдан ярим тунда ҳам шифохонамиз эшигини тақиллатиб келадиганлар бўлишади, шунинг учун тунги навбатчиликни ҳам аниқ йўлга қўйганмиз, — дейди бош шифокор. — Бинобарин биз шифокорларнинг биринчи галдаги вазифамиз аввало хасталиклар олдини олиш ва қолаверса шундай дардга чалинган беморларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатишдир.

Ҳа, бу ерда тишни даволашдан тортиб уни оғритмай олишгача, қопланма ва ясама тишлар қўйишгача бўлган барча жараёнларда тиббиётимизнинг энг сўнгги илғор тажриба ва ютуқларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Шифо масканининг ҳар бир ходими одамни тиш оғриғидек нохуш дарддан ҳалос этиш каби савобли ишда фидойилик кўрсатиб, бир сменада 500 дан ортиқ бемор дардига малҳам қўймоқдалар. Бир сўз билан айтганда Собир Раҳимов туманидаги тишларни даволайдиган 7-шифохона жамоасининг ҳар бир аъзоси бу ерга даво излаб келганларга ширинсуханлик билан муомала қилиб, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Мақола бошида келтириб ўтганимиздек ўнлаб Санобар опага ўхшаш оғриқ дардидан садафдек тишининг баҳридан ўтаман деб келган беморлар ўз дардларига шифо топиб, азобдан изтиробга тушган нохуш чеҳралари бу ердан ёришиб чиқиб кетмоқдалар.

Санжар ЕДГОРОВ.

● СУРАТЛАРДА: (чапда) шифокор Роҳила Сайфуллаева ва рўйхатчи Муҳайё Ибодова бемор ёнида; қопламалар бўлими мудири Муҳаммаджон Низомов (ўнгда) иш устида.

Виктор Багаев суратлари.



** Мутасаддилар фикрича...*

ДОРИЛАР КЎПАЙИШИГА УМИД

● Бугунги кунда шаҳримиздаги қайси бир дорихонага кирманг пештахталардаги дорилар сонининг аввалги пайтларга нисбатан сийракроқ эканини кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам лозим бўлган дорини исталган дорихонадан топиш мушкул бўлиб қолди. Аммо дори заводи маҳсулот ишлаб чиқаришдан тўхтамаётир. Бу борадаги мавжуд шарт-шароит билан таниншиш мақсадида Султон Исломбеков номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Тобиш Раҳматуллаевдан бу ҳолат юзасидан изоҳ беришни сўрадик.

— Заводимиз республика миқёсида ягона бўлиб, жами 100 хилдаги дори-дармонлар ишлаб чиқарар эди. Қолганларини эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, асосан Россия ва Украинадан олардик. Шунингдек яна 500 турдаги дорилар хориждан келтирилар эди. Аммо сўнгги пайтларда банклараро муносабатларнинг издан чиққани туфайли Ҳамдўстлик давлатларидан хом ашё, жиҳозлар, уларнинг эҳтиёт қисмларини келтириш мушкуллашди. Чунки бу давлатларга биз юборган рубль ўтмай қолди. Шунга кўра республикамиз ҳукумати аҳолини зарур бўлган дори-дармонлар билан таъминлаш борасида, жумладан дориларни заводдан тўғри дорихоналарга етказиш каби бир қанча қарорлар қабул қилди. Шунга кўра заводимиз ҳозирги кун учун энг зарур бўлган дориларни ишлаб чиқариш билан бирга республикамизнинг бир қанча жойларида маҳсулот билан бевосита таъминланадиган ўзининг дорихоналарини оча бошлади. Шундай дорихоналардан олтитаси бугунги кунда ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг маркази заводнинг ўзида (Шевченко кўчаси, 23-уй) жойлашган. Қолганлари Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алгоритм заводи, Беруний кўчасидаги «Ўзгазлойиҳа» институти, Буюк ипак йўли кўчасидаги вилоят поликлиникаси («Саёҳат» меҳмонхонаси қаршисида) ҳамда «Миконд» заводи ҳудудида фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли талабининг қонмаётгани сабаби ҳам ана шу маълумотлардан бехабарлигидадир. Ҳозирда бу дорихоналарда ампициллин, валерианка, новокаин, гемодез каби дориларни бемалол сотиб олиш мумкин. Фақат бунинг учун шифокор томонидан дори олишга берилган доринома тўғри ёзилган бўлиши керак. Яъни унинг юқори қисмида поликлиниканинг тўғри бурчакли муҳри, пастки қисмида даволовчи шифокорнинг шахсий муҳри ва поликлиниканинг думалоқ муҳри бўлиши шарт. Бундан ташқари бу дорихоналарда дорилар 20 фоиз арзон нархда сотилмоқда, маҳсулотни заводдан дорихонага етказиб бериш учун кетган маблағга пул олинмаётир.

Шуни ҳам айтиб ўтишим лозимки, яқинда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг Москвадаги учрашувида республикамиз рубль минтақасида қолиши эътироф этилди. Энди заводимиз фаолияти янада яхшиланишига, дорихоналарда дорилар сони кўпайишига умид бор.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

МИНГ БИР САВОЛ

◎ Тўрт фарзандимиз бор. Кенжатойимиз Равшанжоннинг чапақай эканлигини сезиб қолдик. Айтингчи, боладаги бундай ҳолат нуқсон эмасми?

Д. ЖАББОРОВ, Юнусобод даҳаси.

ОДАМ бош миясининг ривожланиши жараёнида функциялар чап ва ўнг яримшарлар ўртасида тақсимланади. Оёқ-қўллар ҳаракатини бажаришда иккала яримшар қатнашади: чап яримшар ихтиёрида ўнг қўл ва оёқ, ўнг яримшар ихтиёрида чап қўл ва оёқ бўлади. Кўпчилик кишиларда чап яримшар устунлик қилганлигидан ўнг қўл кўпроқ иш бажаради. Шунга кўра ўнг қўл ёрдамида ишлаш ва овқат ейиш одат бўйича нормал ҳисобланади. Бироқ шундай қоллар ҳам бўладики, бош миянинг ривожланиш жараёнида логик-аналитик функциялар ўнг яримшарда жойлашади. Бу ҳолда ўнг яримшар устунлик қилади ва бинобарин чап қўл кўпроқ фаолият кўрсатади. Ривожланишнинг иккала варианти ҳам нормал. Лекин турмушда ва ишлаб чиқаришда ҳамма асбоблар ва талайгина меҳнат қуроллари ўнақайларга мўлжаллангани туфайли чапақай болаларни ўнақайликка ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни болани асабийлаштирмасдан, унинг руҳиятига зарар етказмасдан, бақириқ-чақириқсиз ва қўполлик қилмай ўтказиш керак.

◎ Мен бир нарсани билмоқчи эдим. Шамоллаган одам ҳам йўталадими?

Л. АЛИМОВ, ишчи.

КИШИ бурун билан эмас, оғзи билан нафас олганда ҳаво таркибидаги чанг нафас йўлининг ички шиллиқ қаватига ёпишиб, уни қичиштиради, натижада йўтал тутади. Худди шунингдек, юқори нафас йўлларини бирор нарса қичитганда ёки аллергия натижасида, ё бўлмаса ўпкада балғам йиғилганда йўтал пайдо бўлади. Юракнинг туғма касаллигида ўпкадан кичик қон айланасида қон айланиши қийинлашиши натижасида ҳам йўтал тутади. Бирор ёқимсиз ҳид нафас йўлини қичитиб, йўталга сабабчи бўлиши мумкин. Йиғилишларда, мажлисларда, ўтиришларда асабга тегадиган гап бўлганда ҳам одамни йўтал тутади. Кўп чекадиган кишилар йўталиб юради.

Мутахассисларнинг маслаҳатлари асосида Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

** Ажойиб анъаналаримиз*

ЧОЙХОНАДА БАХТ ТЎЙИ

МИРЗО Улуғбек туманида кейинги пайтда маҳаллаларга бўлган эътибор кучайди. Буни кўп қаватли уйларда тузилаётган янги маҳаллалар учун қисқа фурсат ичида қулай имкониятларга бой маҳалла марказлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Аммо, туман аҳли ҳам қўл қовуштириб тургани йўқ...

Туманнинг 6-Қорасув даҳасидаги тўққиз қаватли 16-уйда юздан ортиқ хонадон бор. Уларда истиқомат қилувчи ўнга яқин миллат вакиллари гапни бир жойга қўйишиб, ҳашар йўли билан чойхона қурилишини бошлашган эди. Кўпдан қуён қочиб қутулолмаганидек чойхона бир ярим ойда қуриб битказилди. Албатта, уларнинг бу хайрли ташаббусини туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлаб турди. Аммо, ҳар қандай тўй, тантанани бемалол ўтказишга жуда қулай, кенг ва ёруғ бу чойхонага 20 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарф бўлганлигини ҳисобга олсак ҳашарчиларнинг меҳнати, ҳимматига тан бермай ўтолмаймиз.

— Биз қўни-қўшниларга сен шунча пул берасан, деганимиз йўқ. Ҳар ким ўз имкониятидан келиб чиқиб ўз ҳиссасини қўшди, — дейди мазкур чойхона қурилишида фаол иштирок этган Холдор ака Жумабоев.

Дарҳақиқат, маҳалладагилар 69-автокорхонанинг Тошкент — Қарши йўналиши бўйича автобус ҳайдовчиси Зокир Мирзараҳимовнинг чойхона қурилишида хизмати катталигини кўп бор таъкидлашди. Зокир ака барча юмушларнинг тезроқ ҳал бўлиши учун югурган, керак бўлса кўпгина сарф-харажатларни ўз зиммасига олган олийҳиммат киши экан.

Шунингдек, Убайдулла Азимов, Собиржон Қодирқулов, Суннатулло Омонов, Дилмурод Ҳасановлар ҳам ҳар шанба-якшанба кунлари ҳашар уюштириб самарали меҳнат қилишди. Уларнинг кўпчилиги меҳнат таътилини шу ерда ўтказишиб иш суръатини оширишди. Пайвандлаш ишларини Эргаш Иброҳимов амалга оширди. Хуллас, 16-уйда яшовчилардан ҳеч ким бефарқ қараб турмади. Бугунги кунда айтишга осон бўлган иқтисодий тақчиллик шароитида ҳам ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан ишга қўл урилса, ҳар қандай оғир кўринган юмушни бажарса бўлар экан.

Куни кеча чойхонанинг очилиши шу уйдаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи Абдумалик ота Абдумажитов иккинчи ўғли Фурқатжон ва сирдарёлик келини Саодатхонларнинг бахт тўйи билан бошланди. Абдумалик ота меҳнатда тобланган киши. У эрта баҳордан кеч кузгача Сирдарё вилояти Оқолтин туманининг «Фарғона» давлат хўжалигида деҳқончилик қилиб қовун, тарвуз, полиз маҳсулотлари етиштирар экан. Буни қарангки, бу йил яхшигина ҳосил кўтариш билан бирга Сирдаёвдан келин ҳам туширгилар.

Хуллас, «Авайхон» маҳалласи ва 16-уйда истиқомат қилувчи қўни-қўшниларнинг қўшалоқ тўйларида карнай-сурнай садоси алламаҳалгача тинмади. Айниқса, Сирдарё вилоятининг Малик номли давлат хўжалигидаги «Ҳамал» дастасининг куй ва дилрабо қўшиқларига ҳамма рақсга тушди. Йиғилганлар икки ёшга бахт-саодат тилашди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

** Ичкиликбозлар ўқисин*

Гўзалликни сўлдириб, ёшликни қисқартиради

«ТАРКИ одат — амри маҳол», дейди доно халқимиз. Яхши одатлар ҳам, ҳаёт тарзи ва тарбиядан келиб чиқади. Таълим-тарбия инсонни ҳаётга тайёрлаш, унга зарур бўлган билим ва одатларни сингдириб боришга қаратилган бўлиши лозим. Қандай одатларни биз зарарли деймиз?! Улар биринчи навбатда озодалик қоидаларининг бузилиши ва соғлиққа зарар етказиш билан боғлиқ одатлардир. Ана шулардан бири спиртли ичимликлар ичиш бўлиб, бу айниқса ўсмирлар ёшида катта бахтсизлик ҳисобланади.

Алкоголнинг инсон, қолаверса жамият учун мудҳиш фожиа эканлигини ҳар бир ўсмир ҳам тушуниб етмайди. Вино ва арақ фойдали, иштаҳани очади, иситади, қувватни, ақлий, жисмоний кучни оширади, айрим касалликларга шифобахш таъсир этади, деган нотўғри фикрлар ҳанузгача сақланиб келмоқда. Бунга эса алкоголь истеъмол қилингандан кейинги қисқа муддатга пайдо бўладиган хушкайфият сабаб бўлиб, унинг натижасида юзага келадиган оғир оқибатлар кўпинча унутиб қўйилади.

Ичкиликбозликка қарши тарбиянинг энг муҳим усулларидан бири ўсаётган ёш авлодга ўз вақтида мақсадга мувофиқ равишда гигиеник одатларни шакллантиришдан иборат. Ёшларнинг ичкиликка ўрганишида катта ёшдаги одамларнинг таъсири кўп бўлади. Шунингдек, уларнинг тушунча даражаси ва тажрибаси атрофидаги муҳит ҳам бунда катта ўрин тутади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ёшларни ичкиликдан қайтариш ўқитувчиларнинг тажриба даражасига, ота-оналарга, тиббиёт ходимларига ва ўсмирларнинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўсмирликда ичкиликка ўрганишнинг асосий сабабларидан бири тарбиявий ишларнинг сустлиги, спиртли ичимликларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмаслигидандир. Ёш бола каттароқ ёшдаги ичадиган болалар муҳитига тушиб қолса, улардан ўрнак олади. Шунинг учун ўсмирлик ёши хавфли ҳисобланади. Айни шу ёшдагилар учун ичкиликнинг зарарли оқибатларини тушунтирувчи айрим тарбиявий ишларни қучайтириш лозим. Ўсмир ичишни қанча барвақт бошласа, унда алкоголизм шунча тез ривожланади.

Таниқли немис педиатри Альбрехт Пей шундай деган эди: «Агар ота-оналар, тарбиячилар ичкиликнинг оғир оқибатларини тўлиқ тушуниб етиб, ҳар бир оилада ичкиликни йўқотсалар, ўсаётган ёш авлод ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ютади ва катталар уларнинг кўзига бемалол тик қарайди». Ичилган ичкилик тезда қонга сўрилиб, ҳамма аъзоларга тарқалади. У айниқса асаб тизимига кучли таъсир этиб, ундаги ҳужайраларнинг фаолиятини бузади, бош мия пўстлоғи юқори марказларига таъсир қилиб, тормозланиш қобилиятини сусайтиради. Натижада ичган киши нима қилаётганини билмайди, атрофга бефарқ қарайди.

Ота-оналарнинг ичкиликка берилиши болалар ўлимининг кўпайишига сабаб бўлади. Ичкиликка берилган ота-оналардан туғилган болалар секин ривожланади, юқумли хасталикларни оғир кечиради, улар орасида майиб-мажруҳлар ҳам тез-тез учрайди. Аракхўрларнинг ўзлари ҳам турли касалликларга тез берилувчан бўлади. Алкоголизм ва у билан боғлиқ касалликлар туфайли содир бўладиган ўлим ҳозирги вақтда юрак, қон-томир ва рак касалликларидан кейин туради. Ичкилик ҳар кимга ҳар хил таъсир этади: баъзилар озгина ичса ҳам дарров меъдаси бузилиб қайт қилса, бошқа бировларда тананинг ҳимоя реакцияси жуда суст ёки умуман йўқ бўлади.

Агар 1—2 йил давомида мунтазам ичкилик ичилса, карахтлик ёки «бош оғриғи» синдроми пайдо бўлади, яъни эртасига яна истеъмол қилишга жисмоний эҳтиёж туғилади. «Бош оғриғи» синдроми умумий қувватсизлик, дармонсизлик, бош айланиши, бош оғриғи, иштаҳасизлик, кўнгил айниши ёки қусиш, уйқунинг бузилиши, қўрқиш аломатларининг пайдо бўлиши, гумонсираш, алаҳсирашгача бўлган белгилар билан характерланади. Юқорида санаб ўтилган барча касаллик аломатлари спиртли ичимликларнинг марказий асаб тизимини заҳарлашидан келиб чиқади.

Ичкилик ичадиган эркак ва аёлнинг жинсий безларида ҳам салбий ўзгаришлар содир бўлади. Мунтазам ичилганда жинсий безлар кичраяди. Жинсий ҳужайралар етилмайди ёки бу ҳужайралар бутунлай яроқсиз бўлади. Бу хил ҳужайраларнинг бирикишидан майиб пушт ҳосил бўлади. «Гўзалликни сўлдирадиган, ёшликни қисқартирадиган бу — шаробдир», деган эди донишманд Гораций.

Ичкиликбозликка даво қилишда бир қанча усуллар — дори-дармонлар, психотерапия, гипноз, рефлексотерапия ва бошқалар қўлланилади. Даволашнинг асосий шарти даволанаётганда ва тузалгандан кейин ичкиликдан умуман воз кечишдир. Ота-оналарга шуни уқдириш лозимки, ёш болаларда ичкиликка қарши ижобий ёки салбий муносабатларнинг шаклланишида оила аъзоларининг муҳим ўрин тутади. Бола ҳулқ-атворининг ўзаги айнан оилада шаклланади. Оилада боланинг олган тарбияси келажакдаги ҳулқини белгилайди. Агар инсонда ёшликдан бошлаб ичкиликка нисбатан салбий муносабат шаклланган бўлса, у мажбур бўлган ҳолларда ҳам ичмай, ўзини тияди. Мактаб, ҳунартехника билим юртларида, оилада ўсмирларни ичкиликка, умуман спиртли ичимликларга нисбатан салбий руҳда тарбиялаш керак. Ичкиликбозликнинг жамиятимизга етказадиган катта зарари, иш қобилиятининг пасайиши, ишга кечикиб келиши, бахтсиз ҳодисалар, жамоат тартибининг бузилиши; соғлиқни емириши, туғилмайдиган касалликларга олиб келиши ҳақида болаларимиз аниқ тасаввурга эга бўлишлари даркор.

Юқоридаги масалаларни ҳал этишда оила, мактаб ва жамоатчилик бирлашиб, фаол қатнашиши лозим. Шуни унутмаслик керакки, болалар ота-онадан қайси бирини кўпроқ яхши кўрсалар, шунга тақлид қиладилар. Шунинг учун ота-оналар бу жиҳатдан албатта ўрнак бўлишлари керак.

Сайдамин СОЛИХЎЖАЕВ, тиббиёт фанлари доктори.

** Маданият хабари*

«ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

МИРОБОД туманидаги Мирзо Улуғбек номли маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Салават» озарбайжон дастаси «Дўстлик тароналари» деб номланган янги дастур тайёрлаб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ўзбек, озарбайжон, турк, афғон халқлари куй ва қўшиқлари, мафтункор рақслар мухлислар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Даста жамоаси маданият саройлари, корхона ва ташкилотлар, дам олиш масканларида ўзларининг рангбаранг концертлари билан доимо томошабинлар кўнглига йўл топиб келмоқдалар. Янги дастурни дастанинг бадиий раҳбари Мамедов Нуриддин Жума ўғли саҳналаштирган. Айниқса даста иштирокчиларидан Гудрат Дашдамиров, Рафиқ Тахиров, Фахриддин Исмоилов, Вазир Пашаевларнинг маҳорати барчага манзур бўлди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

* *Ҳамшаҳарларимиз*

КЎНГИЛДАГИ КЎЗГУ

ТАБИАТ тўн ечган, еру кўк тумишиб, тўнғиғгина қолган. Бу ҳол алланечук киши назарини сергак торттиради, тинитади ва яна шоён иштиёқу иддаолар ила сесканган кўнгилда хуш-нохуш ўй-хаёлларни тебратади. Шу асно, кутилмаганда, саркаш ўйларингу вужудинг-ла тебранасан: ўзингда ҳазонрезги борлиққа, юзини булут қоплаган кўкка жуда-жуда яқинлик сезасан. Ҳавойи ҳофизангдан — «И-я, кечаги гуллар очилган, мевалар тўкилган нурли, ойдин кунларда нега миямга бу фикр келмади?» — деган гап қочади. Бирдан ўша ўтган кунлардан қарздорсан-у у билан ҳисоб-китоб қилолмаганингдан, омонатини топширолмаганингдан ўкинасан, ўзингдан-ўзинг уялиб кетасан. Энди иложинг қанча, бу ёғи бандалик — хомлик экан-да.

Изғирин дийдиратган, тароватини йўқотган гулзор четидаги узун панжара курсида қўнишибгина олган Одам бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Унинг эгнида қавима пахталик чопон, шим, оёғида уринган кирза этик. Бошида, қулоқчининг бир қулоғи шалпанг, осилибгина туради. Аччиқ, ялангач шамол эсади. Сийрак туманми, қор учқунларими тўзийди, шивирлайди — борлиқнинг бедорлигидан, уйғоқлигидан дарак беради.

— Э-ҳа, баҳай?

— Ҳай-ҳай... Эшитяпман. Айтгулик гаплари талай...

— Нимани эшитяпсиз? Чучинтириброқ айтинг, бундай?

— Нимани бўларди, шивир-шивирини — сўзинида!

— И-я!.

— Қаранг, уйғоқ! Қулоқ солинг, сўзларини ҳам эшитасиз!

— И-би, қанақа сўз? Нима уйғоқ?..

Йўловчини танг қолдирган Одамнинг кўкси кўтарилган, энтикиб-энтикиб нафас олар, аҳён-аҳёнда, чамаси ўзи ҳам сезмаган ҳолда кулибгина қўярди. «Эй, Худо бехабар, гунглик ҳам, сўкирлик ҳам шунчаликми?! Мундай мулки мукаммалингга қарасанг-чи, эсҳушингни йиғиштириб қулоқ солсангчи!».

Тошпўлат Машрапов эшик оғаларидан. Сабаби тирикчилик, Қибрайнинг қайсидир қишлоғидан ҳар уч кунда бир келиб, навбатчилик қилади.

У қоққан қозиқдай қотиб қолган Тошпўлат Машраповга қараб, аввал осмонга бош иргади, кейин, қулочини кенг ёйиб шивиршивирларга тўла атрофга ишора қилди. Афтидан, бу билан: кўр, сени дунёга келтирган, ризқ-рўз берган маконни тушун, уни қадрига ет, демоқчи эди.

Ер юзини қор, ёмғир ювади. Хира тортган дил диёнатдан покланади. Ер— Осмон зурёди. Одамлар — Ернинг зурёдларидирлар. Кўнгил кўнгилдан сув ичади. Бебошликлар бағри тошликдан келиб чиқади. Илоё зурёдларга тўзим бersин... Ха, Осмон — мўъжиза, — Ер— она! Ер билан бирга-бирга нафас олмаганлар, она сутини, она алласини унутганлар бағри тош, зиёнкордирлар. Кўргулик экан, неча-неча йиллар чархи, кажрафторнинг чархи терс айланди. Юрт, юртим деганлар зиён топди. Ариқларимизнинг шаффоф сувлари булғанди, Орол қуриди. Қарийб бир ярим асрлик истибдод дилни асирликда тутди, диёнатни асирликда тутди. Руҳ сўнди, ҳадик ҳакамга айланди. Тасаввур таъқиб қилинди. Фикрга ёлғон, рўзғорга ҳаром аралашди — барака қочди. Ҳайрият... Ҳайрият, бу — кечаги ўтмиш...

Қишнинг мудроғи босган тупроқ бўйини, ҳайбатли само қучоғини бор вужуди ила туйиб, ўзини шу мавжудодга хеш, фарзанд эканлигига иймон келтириб ўтирган Одам шод, шукроналик билан жойидан қўзғалди.

Кўнгил кўзгусида оламни, ўзини кўраётган Одам — Турғунбой Отақулов. Тошкент трактор заводи шифохонасининг боғбони, Ҳумоюн маҳалласи аҳли мўминларининг оқсоқоли. Дардкаш, одамшаванда киши. Ёши бир жойга бориб қолганлигига қарамай, ўрни келса, «Мустақиллик билан бирга туғилдим, ёшман» деб қўяди. Бу, аслида уйғоқ, қариш билмас кўнгилнинг гапи. Гап — кўнгилда очилгучи гул... Гулга боғланмаган кўнгил йўқ. Кимлар Турғунбой Отақулов билан «ака» деб шакаргуфторлик қилишса, кимлар унга «ота» деб ёндошади. Бу бежиз эмас. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган мулк, таърифга сиғмас саодат.

...Ариқларда қишнинг қириндиси оқаётган, баҳор болалай бошлаган дамлар эди. Уйда чордонани чор қурган Турғунбой ака сапчиб ўрнидан қўзғалди. Ҳур, озод руҳ қўзғотди, ер чақирди. Эллиқ йилдирки колхозларда, совхозларда агрономлик, боғбонлик қилиб мунақанги ҳайратга, ҳаяжонга тушмаганди. Димоғда тупроқнинг иси. Очиқиб исканади, терисига сиғмай тўлғанади. Шунчалар ҳам азизми, мўътабарми у?..

Билагига тўнини ташлаб, хотини Хадича аянинг ажабтовур қарашларига эътибор ҳам қилмай ташқарига йўл олди. Янги ишга туширилган касалхонага қайси йўлдан, қандай қилиб етиб борганини билмайди... Қор аралаш ёғаётган ёмғирдан ивиб-кўпчиб кетган. Ҳансираб, бўёқ ҳиди анқиб турган йўлакни тапур-тупур босиб бошлиқнинг хонасига кирди. Владимир Васильевич Казаков деразадан узоқ-узоқларга тикилганча ўй сурарди. Нотаниш кишининг бемавруд ташрифи хуш ёкмагандек кўринди.

— Нима, тобингиз йўқми?

— Э, отдайман... Қаранг, ана, ернинг тоби йўқ!

Улар бинога туташ, ҳали текисланмаган ўнқир-чўнқирларга, тикон босиб ётган майдонга тикилишди. Орага жимлик чўкди. Гўё сукунат ҳам нафасини ичига ютган, улардан шоён бир садо кутаётгандек эди. Охири, аввал Владимир Васильевич, сўнг Турғунбой ака ўзига келди. Бир-бирларига қарашга ботинишмасди. Орага шундай гап оралади:

— Увол... Боғ қилиш керак. Гул экиш керак.

— Керак. Лекин, қандай қилиб?

— Қаловини топсанг қор ёнади...

— Маблағ йўқ. Кўчат йўқ.

— Ундирган кўчатларим бор. Уруғларим бор.

— Хим... Пули...

— Керакмас... Ерни текислатиб, икки-уч одам бersангиз, бас.

Шундай қилиб, Турғунбой аканинг кунлари туғиб қолди. Ёнига Ўктам Абдуназаров, Нигора Мансурова, Турсуной, Доно Рустамоваларни олиб ишга киришди. Ер текисланди, режа олинди. Қарабсизки, турфа гул уруғлари тугилган тугунчакларнинг боғи ечилди, сара навлардан пайванд қилиб ўстирилган кўчатлар экилди. 1000 туп мевали — ўрик, олма, олхўри, олча ниҳоллари... 9000 туп оқ, қизил атир гуллар, гултожихўрозлар... Ҳаммаси 10000 туп. Бир баҳорнинг ўзида қомат қўйиб, «соч тараб қолган» мажнуну самбит толлар, райҳонлар, укропу кашничлар бу ҳисобга кирмайди.

Ер дилнинг юзини, дил ернинг юзини очаркан, яшнатаркан. Бундан ҳам бахтиёрлик борми, кишига! Кўчатлар гуркираб, гуллар ғарқ очилганида, кўпдан бу жойларни тарк этиб кетган булбул келди. У мажнунтолларнинг қирқ кокил новдаларига қўшиб хониш қилди, чамаси Турғунбой акани, унинг холис ниятларини олқишлади.

«Аҳдимдан, меҳнатимдан розиман. Худо рози бўлса, ўзимдан ҳам розиман. Бундай хомчўт қилиб кўрсам, касалларнинг овқатига юз минг сўмлик кўкат етказиб берибман. Дардлашибман, жиндайин дардларига малҳам бўлибман. Савоб-да!.. Лекин оғзига кучи етмаганлар: кўчат, уруғларингизнинг ўзи фалон пул, бунинг устига ёз бўйи гул сотиб янгамнинг сандиғини ақчага тошиб-воргандирсиз-а, дейди-я! Эҳтимол, тирикчилик-тирикчиликдир. Шундай ҳам дейлик. Ахир тириклик учун ҳам яшаш керак-ку! Кўрдим, кўз ўнгимда ер яйради, булбул хониш қилди... Менга бундан бошқа яна нима керак?!».

Тонг гўё қор-қиров янглиғ майдаланиб тўкиларди. Йўлкаларда, совуқ урган гулзор тегаларида айланишга чиққан касаллар, елкаларига оқ ҳалатларини ташлаб олган ҳамширалар юрарди. «Хўп, қўй қийини ҳам, от-уловни ҳам ўзим топаман, — Турғунбой ака атласга тошган ямоқдай тикан, ажриқлари қуриб, сарғайиб ётган ерга қаради. — Нима қилсам анави касалларни деб қиламандэ-э?!».

Ажаб, шу он юрагига, қалбига қандайдир нур, ёғду оқиб кираётгандек эди. У ерга, кўкка ҳайратомуз кўз тикди. Аста юкиниб, таъзим бажо келтирди. Сезиб турибди, нур кўнглида кўзгуга айланди. Кўзгуда эса ўзи тақир яланглик да яшнаган боғ-роғ намоён эди.

Турсун ИБРОҲИМ,
Ҳумоюн мавзеси, 51-«Истиқлол» маҳалласи.

* *Фан уфқлари*

ШАҲАРСОЗЛИКДАГИ БАРҚАРОРЛИК

Яқинда Тошкент Давлат университетида бўлиб ўтган ихтисослаштирилган илмий кенгашда А. Соатов томонидан ёқланган «Ўзбекистон табиий жўғрофий шароитини шаҳарсозлик мақсадида таҳлили» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ана шу долзарб масалага бағишланди.

Олим илгари сурган ғояни қисқача шундай талқин қилиш мумкин. Ўзбекистон ҳудуди тенгсиз майдончалардан ташкил топган ранг-баранг табиий шароитга эга. Мақсад шаҳарсозликнинг табиий қўйган талабларидан келиб чиқиб ана шу ўзига хос майдончаларни ажратишдан иборат. Шаҳар биноларининг кўп қаватли эканлиги, ертўласи борлиги, фойдаланиш муддати кўп жиҳатдан тоғ жинсларининг хосса ва хусусиятларига, ер юзасининг қиймаланганлик даражасига ҳамда қиялигига, ер ости сувларининг ер юзаси яқинлиги ва бошқа омилларга боғлиқ. Ана шулар ҳисобга олиниб, илмий ишда Ўзбекистон ҳудуди шаҳарсозлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шаҳар қурилишига яроқлилиги турлича бўлган майдончалар ажратилиб, мажмуали баҳоланган.

Шаҳарсозлик мақсадларида ажратилган майдончалар келажакда «экологик сиғим» нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши лозим. Негаки, ҳар қандай ҳудудда қанча одамлар яшаши мумкинлиги тўғрисида меъёр бор. Америка олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда ҳар бир киши учун 2 гектар ер майдони экологик меъёр ҳисобланар экан. Демак, шаҳарсозлик мақсадида ажратилган майдончаларнинг экологик имконияти чегараланганки, уларга бундан ортиқ таъсир этиб бўлмайди. Акс ҳолда кишилар табиатни ўзларига қарши қўядилар.

Хуллас, меъмор ва шаҳаршуносларимиз қурилажак янги шаҳарларни шундай лойиҳалаштиришлари лозимки, бунда шаҳарлар табиат бағрига энг қулай жойлашсин ва табиатнинг ажралмас бир қисми тариқасида уйғунлашиб кетсин. Шундагина шаҳар билан табиат мутаносиблиги барқарор бўлади. Бу борадаги илмий-тадқиқот ишлари шу йўналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Абдурасул Соатов жўғрофия фанида янгича талқин қилиб яъни табиатни шаҳарда қандай бўлиши ҳақида ўз илмий ишида ижобий ютуқларга эришган. Тадқиқотчининг жами чоп этилган мақолалари 170 га яқин. Шундан 70 га яқини илмий мақолалар, 100 дан ортиғи географик билимларни оммалаштириш, методик илмий-оммабоп мақолалар бўлиб, турли газета ва журналларда эълон қилинган.

Зарбуви АЛҚАРОВА.

* *Спорт* — * *Спорт*

Шаҳримиздаги спорт иншоотларида уй-жойдан фойдаланиш идоралари, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган жамоалар ўртасида анъанавий спартакиада ўтказилмоқда. Аҳолининг аксарият қисмини жисмоний тарбияга ошно этиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақаларда ихлосмандлар спортнинг 11 тури бўйича баҳслашмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманидаги 7-уй-жойдан фойдаланиш идораси ва Сергели туманидаги 1-уй-жойдан фойдаланиш идораси жамоалари учрашувидан лавҳа; «Наврўз» маҳалласининг мини-футбол жамоаси аъзолари бўлажак учрашув ҳақида фикрлашмоқдалар.

Равиль Альбеков суратлари.

РАҚОБАТ КУЧАЙМОҚДА

ШАҲРИМИЗДАГИ 110-умумтаълим мактабида бадминтон бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли вилоятлари (Хоразм терма жамоаси икки йилдирки моддий аҳволи ёмонлигини рўкач қилиб мусобақада иштирок этмаяпти) спортчилари маҳорат бобида баҳс олиб бордилар. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Валерий Ткаченконинг таъкидлашича, Андижон, Самарқанд, Сирдарё вилояти вакиллари шу кунга қадар энг кучли, тенги йўқ саналиб келган пойтахт бадминтончиларига муносиб рақобатдош бўлиш даражасига қадар ўсиб бормоқдалар.

Биринчилик баҳсларида, айниқса, Тошкент шаҳрининг «Локомотив» жисмоний тарбия ва спорт клуби аъзолари Татьяна Зинковская, Елена Хамидулина, Елена Васина, Зафар Солмоновлар юқори натижаларга эришдилар. Андижонлик Елена Бектова, Бобир Каримов, Альбина Алиевалар ҳам мутахассислар назарига тушдилар.

1979 йилда туғилган бадминтончилар орасида ғолиблик А. Колузаев, Е. Васинага (Тошкент шаҳри), 1980—81 йилларда туғилган спортчилар В. Агапов, Т. Зиновскаяга насиб этди.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Давлат комитети таъсис этган совринлар билан тақдирландилар.

СИРДАРЁЛИК «ТОҒ ҚИРОЛИ»

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ўн бир вилояти, пойтахт, Тошкент шаҳар армия спорт клуби (АСК) ва Қирғизистоннинг икки терма жамоаси таркибига кирган велосипед пойгаси усталари кўп кунлик велопойгада иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси совринни учун ўтказилган ушбу мусобақа давомида спортчилар Янгибозор, Олмалиқ, Паркент, Красногорск туманлари йўллари оралаб марра сари интилдилар.

Анъанага кўра тоғ сўқмоқлари бўйлаб ўтказилган бос-қичнинг энг моҳир пойгачиси аниқланди. «Тоғ қироли» деб номланган совринга сирдарёлик спортчи, 19 ёшли Асхат Шарофутдинов сазовор бўлди. Унинг ўзи мусобақанинг мутлоқ ғолиби сифатида ҳам тан олинди. Иккинчи, учинчи ўринларни қирғизистонлик Александр Кайкин ва Тошкентнинг биринчи жамоаси аъзоси Сергей Ариков бўлашиб олишди.

«Пойганинг энг фаол иштирокчиси» совринни билан эса пойтахт армиячилари клуби вакили Олег Кримцев тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида эса пойга якунига кўра қуйидаги кўриниш юзага келди: 1-ўрин Сирдарё, иккинчи ўрин — Тошкент—1, учинчи ўрин — Қирғизистон—1.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

АМЕРИКАЛИК ва канадалик тадқиқотчилар гуруҳи АҚШнинг Мичиган штати шимолидаги ўрмонларда ернинг улкан ва қадимий мавжудотини топдилар. У ўз рангига мос бўлган ҳам одатий қўзиқоринлар сингари бир тавадан бунёдга келган. Кузатишлар давомида тадқиқотчилар ўрмонда ҳайратда қоладиган қўзиқоринларни учратганлар.

* *Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

ЮЗ ТОННАЛИК ҚЎЗИҚОРИН

«асал қўзиқорин» эди. Қўзиқоринининг оғирлиги 100 тонна бўлиб, ёши тахминан бир ярим минг йилдан кам эмас. У 15 гектар майдонни эгаллаган.

Улкан қўзиқорин ҳақидаги янгилик 1988 йилда қўзиқоринларда ўтказилган ирсий текширишларда маълум бўлган эди. Улар — Кўпчилик қўзиқоринларнинг ўрмон атроф-муҳит тизимидаги муҳим ўрнини тан олмайди, — дейди тажриба олиб борган олимлардан бири Жеймс Андерсон. — Лекин унинг аҳамияти жуда катта. Энг асосийси, у улкан ва жуда қадимий тирик танадир.

Асал қўзиқорин АҚШ ва Европанинг шарқий қисмларидаги ўрмонларда кенг тарқалган. Унинг тузилиши тўқ жигарранг бўлиб, ризоморфа деб номланади. Қалпоқчасининг чуқурлиги эса бир неча ўн сантиметрдан иборат.

Топилмани эълон қилган тадқиқотчи олимлар бу қўзиқоринлар ҳам улкан қўзиқоринларни топиш мумкинлигини таъкидлаган эдилар. Уларнинг башоратлари тўғри чиқди. Ўтган йилнинг май ойида Вашингтон штатининг жанубида «Асал қўзиқорин» оиласига мансуб тури топилди. У «Асал қўзиқорин»га қараганда 40 маротаба катта экан. Изланишлар давом этяпти. Америкалик ва канадалик олимлар балки ундан ҳам улкан қўзиқоринларни топсалар ажаб эмас.

Назира СОДИҚОВА.

ТИЖОРАТ ЭЪЛОНЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
29 ОКТЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА
Халқаро фестиваллар лауреати
Т. ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОРКЕСТРИНИНГ
ЯНГИ КОНЦЕРТ МАВСУМИНИНГ ОЧИЛИШИ
Оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ФОРУҚ СОДИҚОВ.

ЯККАХОН ИЖРОЧИЛАР:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мирза ТОИРОВ (най).
Халқаро конкурс лауреати Муҳитдин ОТАХУЖАЕВ (рубоб прима).
Республика мақомчилар конкурсининг лауреати Меҳри БЕКЖОНОВА.
Республика халқ чолғу ижрочилари конкурсининг лауреати Ойбек САМАТОВ (рубоб прима). **Баҳодир ТОЖИМАТОВ** (қўш най).
ДАСТУРДА И. Акбаров, Т. Қурбонов, М. Тожиев, Д. Зокиров, С. Жалил, Н. Норхўжаев, П. Чайковский, П. Сарасате асарлари ижро этилади.
Чипталар «БАҲОР» концерт залининг кассасида концерт бўладиган куни соат 14.00 дан сотилади.
ЖАМОА БЎЛИБ КЕЛУВЧИЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Телефонлар: 33-37-69, 33-73-10.

«ТОШКЕНТҚУРИЛИШ» корпорацияси
ТОШКЕНТ 1-УИСОЗЛИК КОМБИНАТИ
ТЮМЕНЬ ВИЛОЯТИНИНГ НЯГАНЬ ШАҲРИГА
дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчиларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Ишчиларнинг меҳнат ҳақи ўртача 200—250 минг сўмни ташкил қилади.
Ёлғиз кишилар ётоқхона, оиналиклар вагон-уй билан таъминланадилар.
Мулоқот учун телефонлар: 45-52-39, 90-45-93.

4-қурилиш трестининг
«ТУРКИСТОН—1» КИЧИК КОРХОНАСИ
ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи вазифасига (кўп ҳақ тўланадиган ишга) **юқори малакали мутахассислар**
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 3-мавзе (83, 67, 167-автобуслар, 25-26-троллейбусларнинг «5-болалар шифохонаси» бекати, қурилиш майдончаси). Телефон — 21-44-35.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
1993 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШ ВА СЕРВИС ХИЗМАТИГА БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БАҲОСИ 50 СЎМ ҲАЖМИДА БЕЛГИЛАНГАН.

МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШ:
Об-ҳаво тўғрисида — 001, 002.
поездлар ҳаракати тўғрисида — 005.
самолётлар ҳаракати тўғрисида — 006.
маиший хизмат тўғрисида — 065.
телефон корхоналари тўғрисида — 09.

ТЕЛЕФОН БЎЙИЧА БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛИШ:
Таксига — 062.
темир йўл чипталарига — 063.
самолёт чипталарига — 066.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«САЙЕҲИҚБОЛ» САЙЕҲЛИК ФИРМАСИ
ГРЕЦИЯГА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Бу қадимий ўлкада бир ҳафта ўтказган кунларингиз, Сизда унутилмас хотира қолдиради.
Афина шаҳридаги меҳмонхона денгиз бўйида жойлашган.
Акропол ва бошқа қадимги дунё ёдгорликларини зиёрат қиласиз.
ЯХШИ ХИЗМАТ, АЪЛО КАЙФИЯТ БАҒИШЛАЙДИ.
ЭРОН (Мешхед шаҳри)га **5—7 кунга;**
КИШ **оролига 4—5 кунга саёҳатга чорлайди.**
ПОКИСТОНГА САЙЕҲЛАР ГУРУҲИ ТУЗИЛМОҚДА.
Фирма, шунингдек онларни саёҳатга таклиф қилади.
Арзон баҳода электрон аппаратураларни сотади.
Мулоқот учун телефонлар: 34-92-90, 34-92-91.
Манзилгоҳимиз: 1 Май кўчаси, 1-уй, 4-йўлак, 27-хона.

ФРАНЦИЯ ЭЛЧИХОНАСИ
(иш куни меъёрлаштирилмаган)
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Француз тилини биладиган, яхши техник тайёргарликка эга, ёқимли кўринишдаги ўзбек ҲАЙДОВЧИ;
Ўзбек, рус, француз тилини биладиган (инглиз тилини билса жуда яхши бўлар эди) **рус ва француз тиллар да машинкада ёза оладиган, ёқимли кўринишдаги ўзбек қиз КОТИБА-ТАРЖИМОН.**
Мурожаат учун телефонлар: 33-53-82, 33-53-84, 33-74-06.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҚ БИРЛАШМАСИ
«АЛПОМИШ» СПОРТ САРОЙИГА
ускуналарни таъмирлаш бўйича техник автомобилларни тузатиш бўйича чиланғар, «ЗИЛ-ММЗ-4502» автомашинасини ҳайдовчи, фаррошлар, қоровулларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Маълумот олиш учун телефон: 46-07-52.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР
Болаларнинг тўйимли «Ньютрикэр спешиал» аралашмасини ҳар қандай баҳода сотиб оламан. Телефон: 97-95-56.
* * *
Тоза жундан қўлда тўқилган 4,2х2,25 м. катталикдаги туркман гилами сотилади. Телефон: 62-31-02.

Собир Раҳимов тумани озиқ-овқат савдоси идораси жамоаси бошлиқ муовини Ўткир Абдуллаевга акаси **Эркин АБДУЛЛАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—588. 17.229 нусхада.